O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2003 йил, 31 май, шанба № 66 (1798). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 31 мая, 2003 г. № 66 (1798). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Москва саммити

МОСКВА, 29 май. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади). Бугун мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтао билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига доир масалалар муҳокама қилинди.

Томонлар Ўзбекистон ва Хитойнинг халқаро ташкилотлар, жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги ҳамкорлиги ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикрлашди.

Кремлда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви бўлди. Учрашув қатнашчилари ташкилотнинг олдинги саммитларида белгиланган вазифалар ижросини муҳокама этди. Бу борада талай хайрли ва фойдали ишлар амалга оширилгани таъкидланди.

Ўтган вақт мобайнида ШҲТни шакллантиришнинг ташкилий ишлари якуний босқичга келди. Ташкилотнинг органлари, жумладан, доимий ишловчи котибият (Пекин) ва минтақавий аксилтеррор тузилмаси (Бишкек) фаолияти қонун-қоидаларини белгилаб берадиган ҳужжатлар тайёрланди.

Ташкилотнинг ижрочи котиби лавозимига Хитойнинг Россиядаги элчиси Чжан Дэгуан тасдиқланди.

Расмий делегациялар иштирокидаги музокараларда ШҲТни ривожлантириш, савдо-иқтисодий алоқалар, коммуникацияга оид ва кўплаб бошқа масалалар муҳокама этилди. ШҲТнинг барча механизмларини имкон қадар тез ишга солиш лозимлиги таъкидланди.

Музокара якунида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Декларацияси қабул қилинди. Президентлар муҳокама этилган масалалар бўйича эришилган келишувлар ўз аксини топган қатор қарорларга, ШҲТ бюджетини шакллантириш ва ижросини таъминлаш тўғрисидаги битимга имзо чекди.

ШҲТнинг галдаги саммити Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрида ўтадиган бўлди.

Шу билан ШҲТнинг Москва саммити ниҳоясига етди.

Кунинг иккинчи ярмида Ислом Каримов МДҲга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг норасмий учрашуви ҳамда Санкт-Петербург шаҳрининг 300 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тантаналарда иштирок этиш учун Санкт-Петербургга жўнаб кетди.

МДҲнинг норасмий саммити

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ, 30 май. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Нева дарёсида турган «Силвер Виспер» кемасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг норасмий учрашувида қатнашди.

Музокарада Ҳамдўстликни ривожлантириш масаласи муҳокама этилди. МДҲ ҳудудида иқтисодий интеграцияни кучайтириш, айниқса, эркин савдо зонасини барпо этиш масаласига эътибор қаратилди. Айни чоғда энергетика ва транспорт инфратузилмалари соҳаларида ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда умумий аграр бозорга асос солиш муҳимлиги ҳам қайд этилди.

Президентлар халқаро муаммолар, жумладан, Ироқдаги вазиятга доир масалаларни ҳам муҳокама қилди. БМТнинг Ироққа нисбатан жорий этилган иқтисодий жазо чораларини бекор қилиш тўғрисидаги резолюцияси маъқулланди.

Музокаралардан кейин МДҲга раислик қилаётган Украина Президенти Леонид Кучма журналистлар билан учрашиб, ушбу норасмий саммит Санкт-Петербург юбилейи муносабати билан ўтказилганига қарамай, амалий руҳда, қизғин ва самарали бўлгани таъкидлади.

Шу йилнинг сентябрида бўлажак Ялта саммити эркин савдо зонасини барпо қилишнинг биринчи босқичига якун ясашга Президентлар ишонч билдирган. У вақтга қадар Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар тегишли қонун ҳужжатларини мослаштириш ва мувофиқлаштириш чораларини кўради. Зотан, шу йил февраль ойида бўлган Киев саммитида МДҲ мамлакатлари шундай вазифани ўз зиммасига олиб, 2003 йилни эркин савдо зонасини яратиш масалаларига бағишлашга қарор қилган эди. Бу борада Президентларнинг фикри бир жойдан чиққанлиги айтилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов кемадаги тадбирлардан кейин Санкт-Петербург юбилейи муносабати билан саммит қатнашчилари томонидан Пётр Биринчи ҳайкали пойига гул қўйиш маросимида қатнашди. Президентимиз Нева соҳилидаги шаҳарнинг 300 йиллигига бағишланган бошқа тадбирларда ҳам иштирок этди.

(ЎзА).

Андижон меҳмонларга мунтазир

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан бири ёшлар ўртасида спортни кенг оммалаштиришдан иборатдир. Мазкур дастурга биноан 2000 йилдан амалга оширишга киришилган уч босқичли оммавий спорт тизими ҳам шу мақсадга йўналтирилган.

Бу тизим 2000 йили Наманганда илк маротаба олий ўқув юртлари талабаларининг «Универсиада» мусобақаларини ўтказиш билан амалиётда қўллана бошлади. 2001 йилнинг 30 апрель — 5 май кунлари эса Жиззахда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ўйинлари ҳам муваффақият билан ўтди. Ўтган йилнинг 24—30 апрель кунлари Фарғонада ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари бўлди. Ўша йили Бухоро талабаларни «Универсиада»га жамлади. Яқиндагина Хоразмда «Умид ниҳоллари» иккинчи марта ташкил этилди.

Бугунги кунга келиб «Умид ниҳоллари» ва «Универсиада» икки мартадан, «Баркамол авлод» бир маротаба ўтказилди. Шу ўринда мазкур мусобақаларга мезбонлик қилаётган вилоятларда кенг кўламда бунёдкорлик ишлари олиб борилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Тизимдаги мусобақаларнинг финал қисми бўлиб ўтган Наманган, Жиззах, Фарғона, Бухоро, Хоразм вилоятларида замон талабларига жавоб берадиган муҳташам стадионлар, сув ҳавзалари ва кўплаб спорт турлари билан шуғулланиш имконини берадиган иншоотлар ёшларимизга хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг 5—11 июнь кунлари Андижонда «Баркамол авлод» спорт мусобақасининг якуний босқичи бўлади. Мезбонлар спорт байрамига катта тайёргарлик кўрмоқда. Андижондаги Олимпия захиралари коллежи мусобақалар ўтказиладиган асосий масканлардан биридир. Бу ердаги очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзалари, атлетика манежи, кўплаб спорт турларига мўлжалланган майдонлар, 20000 кишини сиғдирадиган муҳташам стадион меҳмонларга мунтазир бўлиб турибди.

Бу замонавий иншоот Президентимиз Ислом Каримов эътиборидан четда қолгани йўқ. Юртбошимиз 22 май куни Андижон вилоятига ташрифи чоғида мазкур коллежда ҳам бўлиб, бу ерда амалга оширилган ишларга юқори баҳо берди, уларни янада яхшилаш юзасидан қимматли таклифлар билдирди.

Республика бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида 862 ўқув муассасаси мавжуд. Уларда беш юз мингга яқин ўғил-қиз таҳсил олади. Мана шу ўқувчилар орасидан ҳар бир вилоятдан 160 тадан саралланган ёш спортчи узлуксиз спорт тизимининг иккинчи бўғини ҳисобланган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг якуний қисмида иштирок этиш учун Андижонга боради. Улар спортнинг 14 тури бўйича куч синашади.

Уч босқичли узлуксиз спорт тизими халқимизни спортга ошно қилишдан ташқари, юртимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қиладиган истеъдодли ўғил-қизларни кашф этишда муҳим омил бўлади.

Зоҳир ТОШХУЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

● «КАМОЛОТ» СТИПЕНДИАТЛАРИ

Садоқати жамдир самимийликда

Болакай боғчасига ҳарбий қисм ёнидан ўтиб борарди. Ҳар ўтганда ҳарбийликка бўлган ҳавас қалбида аланга оларди. Шу сабабми, ўртоқлари билан «аскар-аскар» ўйнашганда, нуқул «мен командир бўламан», дерди. Болаликдаги ҳаваса губорлар инмаган бўлади. Яъни, бола бирон бир манфаат юзасидан «мен аскар бўламан, космонавт бўламан», демайди. Фавқулодда бир ҳайрат — болаларча ҳайрат ўзи учун дунёни кашф эта боргани сайин, орзу ё ҳақиқатга, ё саробга айланади. Шунинг учун ҳам ёшлигимизда кўп касблар ҳавасимизни келтиради. Мактаб йиллари эс-ҳушини таниган лавҳамиз қаҳрамони ўша таниш қисм ёнидан ўтар экан, энди ҳарбийлар билан сўзлашишга, соҳани эгаллаш учун нима қилиш лозимлигини билишга уринарди. Қисқаси, болаликдаги ўша ҳайратнинг ранги ўзини йўқотмади. Йигит нияти йўлида астойдил туриб, 1999 йилда Тошкентдаги ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтирувчи лицейга ўқишга кирди. Бугунги кунда у Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти иккинчи курс курсанти кичик сержант Шоҳижаҳон Ҳакимов. У тарбиявий ишлар бўйича офицерларни тайёрловчи факультетда таҳсил олмоқда. Яъни, бўлғуси тарбиячи офицер.

Шоҳижаҳон билан «Камолот» ёшлар иштимоий ҳаракати марказий кенгашида, стипендия гувоҳномасини тантанали топшириш маросимида танишдик. Кўпинча инсоннинг кўзи унинг қалбидан сўз очади. Кўнгил ойнаси, десак янада тўғрироқ бўлар. Мен курсантнинг нигоҳларидан аввало самимийликни илгадим. Бу самимийлик замирида эса юртига бўлган муҳаббат, бурчига бўлган садоқат яширинган эди. Ўзбекистон учун, халқи, истиқлоли учун зарур бўлса жонини тикишга ҳам шайлигини сезса бўлади, бу самимийликдан.

— Мана, ҳадемай офицер бўласиз. Болалик орзуингиз рўёбга чиқади... — деганча суҳбатдошимни гапга соламан.

(Давоми 2-бетда).

ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАРДАН РУҲЛАНДИК

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлари ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бу қарор Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари шахсий таркиби томонидан ҳам катта мамнуният билан кутиб олинди. Бу эътибордан руҳланган посбонларимиз жанговар шайлик самарадорлигини янада ошириб, зиммаларидаги бурч ва масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда хизмат қилишмоқда. Шу муносабат билан йигитлик бурчини ўтаётган аскарлар билан суҳбатлашиб, уларнинг қўшимча имтиёзлар тўғрисидаги фикрлари билан қизиқдик.

Дастлабки суҳбатдошимиз Сурхондарё вилоятидан хизматга чақирилган оддий аскар Тўлқин Холмуродов:

— Биз аскарлар учун Юртбошимиз томонидан берилаётган катта эътибор, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қўшимча имтиёзлар борасида чиқарилган ушбу қарор кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. Муддатли хизматни тугатгач, олий ўқув юртига ўқишга кириш ниятим бор. Қарор бандига биноан имтиёз учун бериладиган йигирма фоиз миқдордаги балл эса мен каби ўқишни истовчилар учун катта ёрдам.

Хоразмлик оддий аскар Отабек Баисов:

— Хизматга келганимга бир йилдан кўпроқ вақт бўлди. Қўшимча имтиёзлар тўғрисидаги янги қарор биз аскарларни моддий томондан таъминлаш билан бирга маънавий томондан ҳам катта таянчдир. Давлатимизнинг бу эътиборига жавобан биз ҳам ўз хизмат бурчимизни аъло даражада ўташга ҳаракат қиламиз. Шу билан бирга, ҳарбий хизматдан захирага бўшатилганда бериладиган нафақа миқдорининг энг кам иш ҳақининг саккиз баробари миқдорида оширилиши мен сингари оилаликларга жуда қўл келади.

Тошкент вилоятидан хизматга келган оддий аскар Дониёр Шариповнинг эса фикрлари қуйидагича:

— Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбийлар учун қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисидаги қарор биз аскарларни ҳар томонлама руҳлантирмоқда. Посбонларга берилган эътибор, енгиллик ва ғамхўрликлар нафақат бизни, балки отаона ва яқинларимизни ҳам қувонтиргани, шубҳасиз. Биз бу ғамхўрликни олдимизга қўйилган вазифаларни ёруғ юз билан виждонан бажариб, элимизнинг, мустақиллигимизнинг ҳақиқий таянчи бўлиш билан оқлаймиз.

Шартнома бўйича хизмат сержанти Аманбой АРЗИЕВ.
Нукус гарнизони.

«Аскар номин ардоқла»

Ўғлим Дилшодбек Қодиров 2003 йилнинг 11 апрелида Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридан муддатли ҳарбий хизматга жўнаб кетди. Мана, ҳозир юрт посбони бўлиб бурчини ўтаб юрибди. Аввало ўғлимни 20 баҳорни қаршилагани билан муборакбод этиб, унга, у орқали барча аскар ўғлонларимга оналик дил изҳоримни етказмоқчиман.

Дилшодбек, Ватан ҳимоячиси бўлганинг муборак! Ишончим комилки, онаюрт олдидаги фахрли бурчингни аъло даражада ўтаб, зукко, билимдон, жасур, мард ўғлон бўлиб етишасан. Ҳарбий мутахассисликни эгаллаб, халқингга хизмат қиласан. Билгилки, сени Ватан ихтиёрига топширдим. Онанг, Ватанинг нимани буюрса, уни садоқат билан, виждонан бажар! Вазирлар Маҳкамасининг қарорини эшитиб, ўзимда йўқ шодман. Сендек аскар ўғлонларимизга Ватанинг шундайин имтиёзлар яратаётган экан, уларга ҳар томонлама муносиб бўл! Ўзбек армиясининг нуфузини янада кўтариб, ўзбек аскари деган номни ардоқла. Оналик бурчимни қандай бажарганим сенинг Конституциявий бурчингни қандай ўташингга ҳам боғлиқ эканлигини унутма.

Аскар онаси,
Термиз шаҳри.

● АСКАР МАКТУБИ

Юрт пособониман

Аскарлик даври ҳар бир йигит учун воқеаларга бой, ўзлигини англаб, баркамол бўлиб етишадиган давр ҳисобланади. Ўз хизматим давомида мен шунга тўла иқрор бўлдим.

Даставвал, армиянинг қонун-қоидалари ва талабларига кўниколмай бироз қийналдим. Қатъий тартиб-интизом, жисмоний тайёргарлик машқлари ва, айниқса, узоқ масофага югуришлардан жуда ҳаяжонланар эдим. Чунончи, орадан вақт ўтиб, ўша дамлар ортда қолди. Хизмат муддатимнинг ярми қандай ўтиб кетганини сезмай қолибман. Ўтган давр ичида ҳарбий касбни мукаммал эгаллашга муваффақ бўлдим. Эндиликда ўзимни она-Ватан олдидаги йигитлик бурчини муносиб ўтаётган юрт посбони, деб биламан.

Шунинг учун армиядан миннатдорман. Ва ўз тажрибамни сафимизга келган ёш аскарлар билан ўртоқлашиб, уларга қийинчиликларни енгишда ёрдам бераман.

Оддий аскар
Расулжон МУМИНОВ.

К ЗАНЯТИЯМ ГОТОВЫ

Воины-связисты подразделения, где командиром капитан Эркин Джуракулов, с хорошим настроем подошли к началу летнего периода обучения. Как показала последняя проверка, техника и учебно-материальная база здесь подготовлены отлично, а в ходе боевого дежурства связь обеспечивается бесперебойно.

Благодаря старательному отношению к своим обязанностям, умелой постановке задач подчиненным, командир группы лейтенант Роман Стрельцов, командиры секций младшие сержанты по контракту Юнус Амиркулов, Дильшод Кувандыков и Бобур Янгибоев стали настоящими лидерами своих коллективов, приобрели хорошие методические навыки в их обучении.

— Мы полностью готовы к началу боевой учебы, — говорит капитан Эркин Джуракулов. — На нас лежит большая ответственность, так как от нашей боевой выучки во многом зависит и то, как будут выполнять учебно-боевые задачи солдаты и сержанты других подразделений части.

Хорошая организация боевой учебы, высокая воинская дисциплина воинов-связистов, понимание значения решаемых ими задач — гарантия того, что в летнем периоде обучения это подразделение с первых дней станет лидером соревнования в части.

Майор
Хайритдин ЗАННИЛОВ,
(ЮЗОВО).
(Передано по факсу).

● ШУНДАЙ САНАЛАР БОР

Фавқулодда сессиядаги резолюция

Бизнинг дастлабки ойи халқаро саналарга бой. Гарчи қисм ва бўлинмаларда уларнинг ҳар бирини нишонлашга имкон бўлмаса-да, деворий газеталарда улар ҳақида маълумотлар бериш, радиогазета орқали бундай кунларнинг моҳиятини шахсий таркибга етказиш, кутубхоналарда кўргазмали воситалар тайёрлаш мумкин. Саналарни айтиб ўтишдан олдин 2 июнь куни Мудофаа вазирлиги қисм ва бўлинмаларида ёғаи ўқув машғулотлари бошланишини таъкидлаб, унда Ватанимиз ҳимоячиларига муваффақиятлар тиламоқчимиз.

1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни. Мазкур сана муносабати билан ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари ўртасида турли мусобақалар, танловлар ўтказиш мумкин.

4 июнь — агрессиялар қурбони бўлган айбсиз болаларнинг халқаро куни. БМТ Бош Ассамблеяси 1982 йил 19 августда Фаластин масаласига бағишланган фавқулодда махсус сессияда ҳар йилнинг 4 июнини шундай сана сифатида нишонлаш бўйича резолюция қабул қилди.

5 июнь — Жаҳон атрофмуҳит куни сифатида нишонланади. Мамлакатимизда ушбу халқаро санага бағишлаб экологик фестиваль ўтказилиши кўзланмоқда. Ҳарбий қисм ва бўлинмаларда тарбиячи офицерлар экология мавзусида суҳбатлар ўтказиб, Ватан ҳимоячисининг табиатнинг ҳам посбони эканлигини тушунтиришлари мақсадга мувофиқ. Таъкидлаш жоизки, бу халқаро кун 1972 йил 15 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 2994-резолюцияси билан тасдиқланган.

6 июнь. Шеърлари халқимиз орасида ҳам маълуму машҳур бўлган туркман шоири Махтумқули (1733—1793 йил) таваллудига 270 йил тўлади. Ҳарбий жамоа кутубхоналарида бу сана муносабати билан китобхонлик кечаси ўтказиш мумкин.

9—14 июнь. Ана шу кунларда республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг ҳамкорликдаги режасига мувофиқ жойларда «Маҳалла — маънавият бешиги» деб номланган маънавий-маърифий ҳафталик ўтказилиши мўлжалланмоқда. Бунда тарбиячи офицерлар марказининг жойлардаги бўлимлари фаолларини жалб этган ҳолда тадбирлар ўтказиши мақсадга мувофиқ.

11 июнь. Дунё халқлари маданияти тарихида муҳим ўрин тутган рус шоираси Анна Ахматова (1883—1966 й.) таваллудига 120 йил тўлади. Шеърхонлик, китобхонлик кечалари ўтказиб, посбонлар маънавиятини янада бойитиш мумкин.

17 июнь. Мазкур сана саҳрога айланиш ва қурғоқчиликка қарши бутунжаҳон кураш куни. Бу кунга асос солинганига 9 йил тўлаяпти. БМТ Бош Ассамблеяси 1994 йилда 49/115-резолюция билан уни тасдиқлаган.

20 июнь. 1990 йилнинг худди шу кунида Ўзбекистон республикасининг мустақиллик декларацияси қабул қилинди. Тарбиячи-офицер бу тарихий воқеа муносабати билан истиқлол учун курашимиз тарихидан, мустақиллик йилларида эришган ютуқларимиздан посбонларга сўзлаб берса, айни муддао.

20 июнь. Бу кунинг халқаро қочоқлар куни эканлиги хусусида эшитганмисиз? Унга асос солиниш тарихига бор-йўғи икки йил бўлаётгани учун ҳам бу борада маълумотга эга бўлмаслигингиз ҳам мумкин. Ҳар хил миллий ихтилофлар, қуролли тўқнашувлар, этник можаролар, хуллас, нотинч ҳаёт қочоқлар пайдо бўлишининг омили. Демак, сана муносабати билан посбонларга тинчлик, осойишталикнинг қанчалар бебаҳо бойлик эканлигини таъкидлаш мумкин.

24 июнь. Севимли газетангиз — Мудофаа вазирлигининг марказий матбуот органи «Ватанпарвар» газетасининг илк сони нашрдан чиққанига 11 йил тўлади.

26 июнь. Гиёҳвандликка ва унинг ноқонуний айланишига қарши халқаро кураш куни. Қора ўлат номини олган гиёҳвандликнинг оқибати хусусида посбонлар билан тегишли соҳа мутахассислари иштирокида суҳбатлар ўтказиш, деворий газеталарда унинг қанчалар хавфли иллат эканлигини ёзиш мақсадга мувофиқ.

27 июнь. Бу сана Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни сифатида республикамизда қатор йиллардан буён нишонланиб келинмоқда. Бунда тарбиячи-офицерлар юрт ҳимоячиларига тўртинчи ҳокимият дея эътироф этиладиган мазкур соҳанинг сиёсий, иштимоий-иқтисодий ҳаётимизда тутган ўрнини тушунтириши мумкин. Қолаверса, бу кунда жамоалардаги деворий газеталар ўртасида танлов ўтказиб, голибларни тақдирласа бўлади.

ТАҲРИРИЯТ.

Сайёранинг садоси • Пульс планеты

В кратере вулкана Ключевской на Камчатке появилась лава. Как сообщили в Ключевской сейсмостанции Камчатской опытно-методической сейсмологической партии, в ночь на пятницу на вершине Ключевского наблюдалась подсветка, что свидетельствует о появлении свежей лавы. Вспышки происходят с интервалом от 1 до 10 минут. Бомбы над кратером не наблюдаются.

В этом году специалисты прогнозируют начало сильного извержения Ключевского.

❁❁❁

Премьер-министр Канады Жан Кретьен рассматривает возможность присоединения его страны к противоракетному «щиту» США. Об этом стало известно от официального представителя министра обороны Канады, который пояснил, что Кретьен после нескольких месяцев колебаний намерен провести переговоры на эту тему с США.

❁❁❁

Король Марокко Мухаммед VI заявил, что ситуация в стране взята под контроль после крупного теракта, который совершили в Касабланке террористы-смертники в начале мая, в результате которого погибли десятки человек. «Ситуация в стране взята под полный контроль, и благодаря мерам, которые были предприняты по моему приказу, жители страны сейчас в безопасности», — сказал король.

❁❁❁

Первая группа немецких антиглобалистов, в которую входят около тысячи человек, прибыла в Женеву для участия в акциях противников эвианского саммита «большой восьмерки», беспрепятственно пройдя контроль в швейцарском Базеле. На границе немецкие пограничники высадили с поезда четырех человек, запретив им выезд из Германии по соображениям безопасности.

❁❁❁

В джунглях Эквадора в ходе столкновений между двумя противоборствующими индейскими племенами погибли, по меньшей мере, 22 человека. Об этом сообщил представитель местных властей. По его словам, все погибшие индейцы входили в племя тагейри, которое живет крайне обособленно в 150 км от столицы страны Кито. Точное число жертв пока не установлено, так как индейцы этого племени живут в труднодоступной части джунглей и практически не говорят по-испански.

❁❁❁

Генеральный секретарь ООН Кофи Аннан в письме главам ДЖ8, опубликованном в четверг, призвал лидеров развитых стран выделять больше денег на борьбу с бедностью и болезнями в мире. Опираясь на Цели развития в новом тысячелетии, принятые в 2000 году главами 147 стран для снижения бедности и повышения уровня жизни в мире, Аннан призвал увеличить на 80% помощь развивающимся странам. В своем письме Аннан также призвал к снижению торговых барьеров, которые снижают конкурентоспособность фермеров развивающихся стран на мировом рынке, а также к распространению в странах «третьего мира» медикаментов для борьбы с болезнями, в частности со СПИДом.

❁❁❁

Федеральный канцлер Германии Герхард Шредер считает, что между Берлином и Москвой никогда не было лучших, чем сейчас, отношений, но не видит возможности для вступления в ближайшем будущем России в Евросоюз и НАТО. Шредер, прибывающий в пятницу в Россию с визитом, также отметил, что единственным нерешенным вопросом в двусторонних отношениях является судьба хранящихся в России германских культурных ценностей.

❁❁❁

Франция намерена оказывать поддержку Украине в отношениях с Европейским союзом и представлять украинские интересы на саммите ДЖ8, который пройдет в предстоящие выходные в Эвиане. Об этом сообщил журналистам госсекретарь МИД Украины Александр Чалый.

❁❁❁

На совете стран — участниц ЕКА на уровне министров в Париже была достигнута договоренность об использовании российских ракет-носителей «Союз» на космодроме Куру во Французской Гвиане. Об этом сообщил глава представительства Европейского космического агентства (ЕКА) в России Ален Фурнье-Сикр.

(По страницам Интернета).

САДОҚАТИ ЖАМДИР САМИМИЙЛИКДА

(Давоми. Бошы 1-бетда).

— Офицер бўлсам бас, ниятимга етаман, деган тушунчадан узоқман. Аввало Қуролли Кучларимиз учун етук офицер бўлмоғим керак. Мана, армиямизда жадал ислоҳотлар давом этмоқда. Қуролли Кучларимиз профессионал асосда шакллананяпти. Демак, бу катта масъулият юклайди. Ҳар лаҳзада билим, тажрибамизни ошириб боришимиз лозим. Ниятга етдим, деб кўл қовуштириб ўтирсам бўлмайди. Шахсий таркибни тарбиялаш жараёнида илғор тажрибаларни татбиқ этиш, уларни маънавий жиҳатдан етук қилиб шакллантиришни давр тақозо қилмоқда,— дейди жумладан у.

Курсантнинг инглиз тилини мукаммал ўрганишга бел боғлагани ҳам фикрини исботловчи бир мезон. Яъни, у хорижий тилни пухта эгаллаб, илғор тажрибаларни билиш, уни қўллаш ниятини келажакда амалга оширмоқчи. «Буюк британиялик Клер исмли мутахассис билим юртимизда тилни мукаммал эгаллашни истаганларга интенсив курс ўтади. Унда ҳарбий терминологияларни ҳам ўрганишга эътибор қаратганмиз», — дейди кичик сержант Ҳакимов бу ҳақда гап кетганда.

Шоҳижаҳоннинг отаси бу кунларни кўролмай кетган бўлса-да, мактабда ўқитувчилик қилаётган онаси Фотима опа фарзандини доимо маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келади. Биринчи курсдаёқ ўғли кичик сержант унвонини олганини эшитиб, она кўзларидан севинч ёшлари оқди. Фарзанди тўғри йўлдан кетаётганидан фахрланди, ғурурланди.

Кичик сержант Ҳакимов бўлинма командири вазифасида. Айниқса, у етакчилигидаги жамоа ўт очиш тайёргарлиги бўйича доимо намуна. Билим юртида ўтказиладиган «Қувноқ билимдонлар баҳси», «Заковат» интеллектуал ўйинларида Шоҳижаҳон ўз жамоаси билан фаол қатнашиб келади. Сержант Нозир Мамадалиев, кичик сержантлар — Равшан Аҳмедов, Одил Муҳиддинов каби курсант дўстлари билан ҳамиша ҳамфикр. Подполковник Олег Волович, майор Маъруфжон Юсупов, капитан Равшан Ашурматовни у устозлари сирасига қўшади.

Бўлғуси тарбиячи офицернинг суҳбатимиз сўнгидаги гаплари шундай бўлди:

— Президентимиз китобида ҳам таъкидлаб ўтилган. Армиямиз сафларидаги ўғлонлар замонавий ҳарбий-техника, қурол-аслаҳани пухта эгаллаши, жисмонан етуклиги билангина эмас, юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, маънавияти билан ҳам ажралиб турмоғи лозим. Мен шундан келиб чиқиб, ўз олдимга вазифалар қўйганман. Бу вазифаларни курсантлигимда ҳам, офицер бўлганимда ҳам виждонан бажаришга сўз бераман.

Капитан Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Александр МРУЧАК
суратга олган.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ— ШАРАФЛИ БУРЧ

Яқинда бўлиб ўтган парламент сессиясида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар эслатиб ўтилди ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида» янги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун муҳокамаси чоғида Юртбошимиз Ислом Каримов 1989 йилда бир неча юзлаб ўзбекистонлик аскарларнинг ўлими ҳақида ачинарли далиллар келтирди. Ушанда мен беихтиёр 1991 йилнинг январи охирида Новосибирсккa борганимни эсладим. Вазифам осон эмас — журналистлик текшириши ўтказишим керак эди. Мен ва «Совет Ўзбекистони» журналининг ўша пайтдаги фотомухбири Валентин Кавелин Сибирь ҳарбий округининг ҳарбий қисмларида хизмат ўтаган ўзбекистонлик йигитларнинг ўлдирилгани ҳақида кўплаб далилларни рад қилишимиз ёки уларни тасдиқлашимиз зарур эди.

Ўша пайтдаги қаҳратон қиш, 30 даража совуқда қўлида белкурак ушлаган жиззахлик ва қаршилик йигитларнинг совуқ урган қўллари сира ёдимдан чиқмайди. Уларнинг кўпи касал ва бошидан армияга чақирилмаслиги керак эди. Шунингдек, кўплари Совет армияси тузилмаларида кенг ёйилган, ёш аскарларга нисбатан «зўравонлик» азобига дучор бўлган эди. Офицерларнинг шикоят қилишича, улар калондимоғ, такаббур, кўпчилиги буйруқларни бажармайди. Кейинчалик биз йигитлар билан суҳбатлашганимизда маълум бўлдики, улар хоҳламагани учун эмас, чиндан ҳам рус тилини тушунмагани учун буйруққа бўйсунмаган. Уларнинг бошқалардан кўпроқ «гауптвахталарда ётишининг» сабаби ҳам шунда эди. Бошқа йигитларимиз эса ҳарбий хизматни «қурилиш батальони»да ўташди, Сибирнинг аёвсиз совуғида «ковла», «қур», «таши» деган буйруқларни бажаришига тўғри келди. Ўзининг жонажон қишлоғидан биринчи марта четга чиққан ёш йигитлар кўзларига ёш олиб, биздан ёрдам сўрагани ҳали-ҳамон эсимда. Афсуски, ўшанда бунинг иложи йўқ эди...

Эндиликда Қуролли Кучларимизда ҳар йили янги ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Янги замон, янги талаблар, мавжуд муаммоларни ҳал этишга янгича ёндашувлар, янги муваффақиятлар кўзга ташланмоқда. Хизмат 18 ойдан 12 ойга қисқартирилди. Мустақилликкача биз ҳатто бу ҳақда орзу ҳам қила олмас эдик.

Давлатимиз раҳбари иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотларга тўхталар экан, аҳолига ҳарбий хизматга қонунчилик асосида киритилган янгиликларни етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрнини таъкидлаб ўтди.

Менинг ўғлим лицейда ўқийди, деярли армияга чақириқ ёшида. Ушбу янгилик бошқа ота-оналар сингари мени ҳам жуда қизиқтирди. Ўйлашимча, энди бошқа давлатлардаги кўпчилик чақириқ ёшидаги йигитларнинг Ўзбекистонлик тенгқурларига ҳаваси келиши мумкин. Негаки, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунда муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ва уни кечиктириш ҳамда озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига кейинги муддатга чақирилмайдиган шахслар сафарбарлик чақируви резервига (СЧР) киритилиши айтилган.

Мудофаа вазирлигининг махсус ҳисоб-рақамига энг кам иш ҳақининг 25 баробари миқдорида пул тўлаганингиздан кейин, фарзандингиз сафарбарлик чақируви резервида хизмат қилиши мумкин. Сафарбарлик чақируви резерви ҳудудий принцип асосида ойлик йиғинлар кўринишида ташкил этилади. Энг асосийси, эслатиб ўтилган бадалларни бир йил давомида олдиндан ёки бўлиб-бўлиб тўлаш мумкин.

Сиз тўлаган ушбу маблағлар давлат ғазнасига эмас, балки ўқув лагерида ҳарбий йиғин пайтида ўғлингизни боқиш, транспорт сарф-харажатлари, керакли анжомлар ва бошқа нарсалар сотиб олишга ишлатилади.

Сафарбарлик чақируви резерви хизматига кириш тартиби эса оддий. Бу борада ҳарбий хизматга чақирилувчи, унинг молиявий аҳволини кафолатловчи томон ва Мудофаа вазирлигининг мудофаа ишлари бўйича туман (шаҳар) бўлими ўртасида шартнома тузилади. Шартномага кўра, ҳарбий хизматга чақирилувчи шахс ва давлат тенг ҳуқуқли шерикка айланади. Ҳар бир томонга аниқ мажбуриятлар юкланган. Улар ўртасидаги ҳар қандай баҳсли ҳолат судда ҳал этилади. Ҳарбий хизматга чақирилувчини нафақат унинг ота-онаси ёки бошқа яқин қариндошлари, балки юридик шахслар — турли корхоналар ва хусусий фирмалар кафилликка олиши мумкин.

Бир йил тугаб, бадал тўлиқ тўланганидан сўнг сафарбарлик чақируви резервида хизмат қилган шахсга ҳарбий гувоҳнома берилади. Бунда у муддатли ҳарбий хизматни ўтаган тенгдоши каби барча ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин. Сафарбарлик чақируви резервида хизмат қилган шахс тегишли ҳарбий-ўқув мутахассислигига эга бўлса, Қуролли Кучлар сафига шартнома бўйича хизматга кириши, олий ҳарбий ўқув юртларида ўқиши, солиқ, божхона, бошқа органларда ишлаши, ҳарбийлашган тузилмалар, ҳар қандай муассасалар, ташкилотларда хизмат қилиши, хизмат вазифаси билан чет элга бориши мумкин.

Ушбу қонунга мувофиқ шартнома тузилганидан кейин ҳарбий хизматга чақирилган шахс ишлаши, тадбиркорлик билан шуғулланиши, ота-онасини боқиши, маълумотини ошириши мумкин.

Бу борада шуни эслатиб ўтиш жоизки, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги янги Қонун қабул қилингунига қадар ўз вақтида ҳарбий хизматга чақирилмаган 27 ёшгача бўлган шахс доимий расмиятчилик жараёнларидан ўтиши керак эди. Сафарбарлик чақируви резервида эса бундай оворагарчиликлар бўлмайди. Белгиланган бадал тўланганидан кейин ҳарбий хизматга чақирилувчи мудофаа ишлари бўлимига бир ойлик йиғинга ёки фавқулодда ҳолатларда чақирилади, холос.

Белгиланган тартибда пул бадалини тўлаган шахс 27 ёшигача сафарбарлик чақируви резерви сафида бўлади. Бунда у муддатли ҳарбий хизматдан озод этилади. 27 ёшга етган ва сафарбарлик чақируви резервида хизматни ўтаган йигитлар Қуролли Кучлар резервига киритилади.

Совет армиясидаги хизматни бир эслаб кўринг. Ўша пайтларда ҳарбий хизматга қанча йигит керак бўлса, шунча етказиб бериларди. Бироқ бунинг оқибати ўзингизга яхши аён. Ушанда Сибирь ҳарбий округида мен суҳбатлашган аскар йигитлар орасида қулоғи оғир, кўзи хира ногиронлар ҳам бор эди. Улар ҳарбий хизматга «маҳаллий партия амалдорлари болаларининг» ўрнига чақирилган эди. Энди эса йигитлар муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида қабул қилинади, бунинг учун улардан ҳам ақлан, ҳам жисмонан етуклари танлаб олинади.

Кўпчилик ота-оналар ва ёшларни «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги янги қабул қилинган Қонундаги айрим жиҳатлар ҳам қизиқтириши мумкин. Ушбу қонун матбуотда эълон қилинади. Фуқароларда резерв тоифалари улар нимага мўлжалланаётгани, ҳарбий тайёргарлик қандай ўтиши, Қуролли Кучларнинг ҳарбий қўшинлари қисмлари ва бўлинмалари сафи қандай тўлдирилиши ҳақида маълумот олиш имкони пайдо бўлади.

Мустақиллик шарофати билан юртимизда кўп нарсалар ўзгаряпти, шу жумладан Ватанга хизмат қилиш ҳам йигитларимиз учун шарафли бурчга айланиб боратир. Ўғлонларимиз ўз Она—тупроғимизда хизмат қилмоқда. Энди улар ўз йигитлик бурчини адо этиш учун узоқ ва совуқ Сибирь ўлкасига бормайди. Ота-оналарнинг ҳам кўнгли тинч. Улар фарзандлари ҳарбий хизматга чақирилганда мудофаа ишлари органлари вакиллари билан ҳамкорлик қилади. Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари фаол иштирок этмоқда.

Энди ҳар бир ўсмир йигитлик бурчини ўташни сабрсизлик билан кутади ва буни ўзига шараф деб билади. Зеро, Қуролли Кучларда бўлаётган бугунги ўзгаришлар мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, унинг ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлиги, бизнинг тинчлигимиз ва осойишталигимизни таъминлашга қаратилган.

Азизахон ТУЙЧИБОЕВА,
ЎзА мухбири.

Военно-политические новости

«ЧП» СНЯТО

Президент США Джордж Буш сообщил, что «чрезвычайное положение» (ЧП), объявленное 11 лет назад и устанавливающее санкции против бывшей Югославии, отменено. В письме к конгрессу Буш сказал, что это было сделано в ответ на «сильное стремление к политическим и экономическим реформам, проявленное правительством Сербии и Черногории».

ПРОСЬБА ОТКЛОНЕНА

Канада не будет отправлять свой миротворческий контингент в Ирак. Об этом сообщил министр иностранных дел страны Бил Грехам. «Канада готова финансировать гуманитарные операции по восстановлению Ирака, но мы приняли решение не отправлять свои войска в страну», — заявил министр. С просьбой об отправке миротворческого контингента в Ирак к Канаде обратились США.

НИКТО НЕ...

Американский истребитель Ф-15 разбился в Южной Корее в четверг. Об этом сообщил представитель Воздушных сил США. Самолет разбился вскоре после взлета с воздушной базы в 30 км к юго-востоку от Сеула. Пилот, которому удалось выбраться, не пострадал. Южнокорейское агентство «Ионхап» сообщило, что на территории, куда упал истребитель, также никто не пострадал. В настоящее время ведется расследование.

ЗАМОРОЗИЛИ СЧЕТА

Власти Хорватии заявили о том, что они заморозили два банковских счета, связанных с лицами, которые подозреваются в финансировании деятельности «Аль-Каиды». «Располагая информацией о том, что двое людей, имевших доступ к этим счетам, находятся в списке подозреваемых ООН в связях с «Аль-Каидой», мы решили счета заблокировать», — пояснил заместитель генерального прокурора Хорватии Лазло Паджич. Он не сообщил каких-либо дополнительных деталей.

25 ТЫС. ЗА...

Американское командование в Ираке заплатит 25 тыс. долларов за поимку Мохаммеда Джавада Ан-Нейфуса, который обвиняется в причастности к массовым убийствам шиитов в Ираке во время правления Саддама Хусейна. Массовые захоронения шиитов были найдены на юге Ирака войсками англо-американской коалиции. Предполагается, что Ан-Нейфус участвовал в организации их казней. Также представители американского командования сообщили, что Ан-Нейфус был арестован 29 апреля в Умм-Касре, но был освобожден 18 мая, так как военные не сочли его подозрительным.

(По страницам Интернета).

● ШКОЛА ПОДГОТОВКИ СЕРЖАНТОВ

ДОРОГА В ПРОФЕССИОНАЛЫ

Как уже сообщалось ранее, Президент Узбекистана Ислам Каримов во время поездки по Ферганской долине посетил школу подготовки сержантов Восточного военного округа. Это событие вызвало широкий резонанс, ведь данный факт — еще одно подтверждение того, что вопрос перехода армии на профессиональную основу ставится во главу угла и является базовым звеном всех этапов реформы, активными проводниками которой должен выступить каждый из нас.

«Жизнь не стоит на месте, каждый этап в поступательном развитии страны ставит перед нами новые проблемы, новые задачи по их решению. Нет необходимости сегодня говорить о том, что единственный путь к благополучию и процветанию страны — это только движение, движение по пути обновления и реформ». Смысл этих слов, произнесенных главой нашего государства Исламом Каримовым на XI сессии Олий Мажлиса второго созыва, предельно ясен. Более того, они своего рода указатель всем нашим дальнейшим действиям. В полной мере касается данное высказывание и военной сферы, которая в настоящее время находится в стадии активного реформирования. Все происходящие в Вооруженных Силах преобразования подчинены единой цели — созданию профессиональной армии. Путь этот довольно сложен, но жизненно необходим, тем паче что с каждым днем мы все больше убеждаемся в его преимуществах.

Как известно, начало строительству армии нового типа положило создание подразделений сил специальных операций. И как показало время — это был очень своевременный и верный шаг, послуживший мощным импульсом для дальнейших активных действий в данном направлении. В январе 2001 года в свет выходит Постановление Кабинета Министров «О совершенствовании системы подготовки сержантского состава Вооруженных Сил Республики Узбекистан», и мы становимся свидетелями очередного витка поступательного движения вперед в процессе профессионализации армии. Значение, которое придает Президент страны — Верховный Главнокомандующий создаваемым в округах сержантским школам, трудно переоценить. Уже один тот факт, что он называет сержантов становым хребтом армии, говорит об очень многом, и прежде всего о том, что на них возлагаются особые надежды.

С той поры школы подготовки сержантов провели уже четыре выпуска, а это означает, что в войска пришли сотни младших командиров, обладающих высоким чувством патриотизма, профессионализмом, лидерскими качествами, проявляющие настоящую заботу о подчиненных. Оправдали ли они оказанное им доверие? Сполна, и это они доказывают своим ратным трудом. В ходе контрольных, итоговых занятий выпускники школ всегда на передовых позициях, а возглавляемые ими секции, как правило, добиваются отличных показателей. И во многом этому способствуют именно знания и навыки, приобретенные сержантами в стенах школы. Но совершенству предела нет. И хотя становление этих принципиально новых военно-учебных заведений уже практически состоялось, поле деятельности для поиска новых форм и методов работы по качественной подготовке сержантов довольно обширное. Командованию, преподавательскому составу школ многое еще предстоит сделать в области создания современной материально-технической базы, исходя из уже имеющегося опыта, внести определенные коррективы в программу боевой подготовки, в воспитательный процесс. Одним словом, необходимо думать о дне завтрашнем, учитывая тот фактор, что школы подготовки сержантов постоянно находятся в поле зрения руководства страны.

То, что Президент страны, несмотря на чрезмерную занятость, нашел время побывать в этом военно-учебном заведении и воочию убедиться, как обстоят дела с подготовкой младших командиров, говорит об исключительном внимании, которое уделяет руководитель республики данному звену военнослужащих, видя в них опору армии, видя людей, которые по-настоящему преданы своей Родине.

С началом летнего периода обучения возьмут старт занятия и в школах подготовки сержантов. С особым чувством приступят к изучению военного дела курсанты ШПС ВВО, воодушевленные напутственными словами Президента.

— Минуты общения с Президентом, его добрые пожелания глубоко запали в наши сердца, — говорит курсант Н. Мамадалиев, — придали нам сил и уверенности, и мы приложим все усилия, чтобы выполнить этот наказ и стать настоящими профессионалами.

— Как руководство к действию восприняли мы высказывания Президента, — делится впечатлениями офицер Б. Абдуллаев, — он четко определил нам задачу, наметил ориентиры в нашей работе, и мы не свернем с этого пути, сделаем все, чтобы наши курсанты во всех отношениях отвечали предназначению младшего командира.

Подполковник Ярослав КОРУКА.

Ёзги ўқув мавсуми олдидан тайёргарликка эътибор қаратиш муҳим. Айниқса, жанговар шайлик даражасини ошириш муҳим омил.

Суратда: (ўнгда) **капитан Солижон Аҳмедов бошқарув пунктидан посбонларининг амалий машқларини, мавсумолди тайёргарликларини кузатмоқда.**

Александр МРУЧАК
суратга олган.



РАКЕТА ЛЕТИТ В ЦЕЛЬ

В жизни воинского коллектива части, где командиром подполковник Тохир Нурмухаммедов, произошло знаменательное событие — был осуществлен успешный боевой запуск.

На показном занятии с боевой стрельбой, проведенном при участии командующего ВПВО и ВВС, командующих войсками округов, начальников ПВО частей, экипаж боевой машины поразил воздушную цель первой ракетой.

В ходе занятия, которым в роли начальника ПВО округа руководил подполковник Т. Нурмухаммедов, были развернуты несколько учебных мест. На них прибывшие офицеры могли увидеть порядок развертывания на полигоне командного пункта, ознакомиться с боевой техникой зенитчиков.

Основная заслуга в произведении образцового ракетного пуска принадлежит заместителю командира части по боевой подготовке, подполковнику Абдухакиму Кучкарову, действовавшему за наводчика-оператора, в роли командира БМ успешно отработал командир зенитно-ракетной батареи старший лейтенант Ахмад Намозов, а механика-водителя — младший сержант по контракту Гайрат Юсупов.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
(Термезский гарнизон).

● ЗАМЕТКИ ПУБЛИЦИСТА

ВОЕННАЯ РЕФОРМА: ПРИОРИТЕТЫ ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ

II

Время, прошедшее после девятой сессии Олий Мажлиса второго созыва, на которой с программным докладом выступил Президент Ислам Каримов, со всей очевидностью показало, что процесс углубления военной реформы набирает силу. Сложность, новизна, масштабность задач реформирования ломают привычные, устоявшиеся стереотипы мышления, организационные и воспитательные формы работы. Вся боевая и общественно-политическая подготовка, политико-информационная и культурно-досуговая работа отныне как никогда направлены на формирование у военнослужащих качеств, необходимых для вооруженной защиты Родины с учетом складывающейся военно-политической обстановки в мире и регионе и наличия таких угроз безопасности, как терроризм, экстремизм, наркоагрессия, другие угрозы и посягательства на самое святое — жизнь людей. В этих условиях, как сказал глава нашего государства, **наша армия «должна быть способна в любой обстановке дать достойный отпор любому агрессору, в какой бы форме и обличье он ни выступал».**

Этим и определяются задачи и приоритеты в организации воспитательной работы, в решении проблем духовно-нравственного и военно-патриотического воспитания личного состава на современном этапе. Каковы эти приоритеты?

Первый приоритет. Всей системой обучения и воспитания формировать у воинов высокие морально-боевые, психологические и физические качества, необходимые в современном бою. Воспитывать в них духовную зрелость, верность идеалам независимости и высокую политическую сознательность. Особое внимание обратить на воспитание морально-волевых качеств, развитие интеллектуального потенциала у молодых офицеров, воинов-контрактников и солдат срочной службы. Потому что именно эти качества предопределяют ревностное отношение воинов к военной службе, выполнению своего воинского долга. Чем выше сознательность воина, богаче его духовный потенциал, тем лучше он представляет и осознает свой воинский долг, свои обязанности, тем настойчивее овладевает военными знаниями, своей профессией, строже соблюдает требования воинской дисциплины и тем успешнее действует в бою.

Не случайно в январском Праздничном поздравлении защитникам Родины Президент страны — Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами И. А. Каримов подчеркнул, что **«боеспособность армии, ее способность в любой обстановке с честью выйти из самой сложной ситуации зависят не только от физической подготовки и оснащенности техникой и вооружением, но, в первую очередь, от высоких морально-волевых качеств и интеллектуального потенциала военнослужащих, от их способности освоить секреты современной техники».** Логика современной войны и характер вероятного противника (а это, прежде всего, международный терроризм), таковы, что личный состав Вооруженных Сил должен быть готов к суровым испытаниям. Другими словами, формирование морально-волевых качеств воина должно идти в одном русле с военно-технической, специальной, оперативной и тактической подготовкой.

Второй приоритет. Это — воспитание воинов в духе патриотизма, любви и преданности нашей независимой Родине.

Высокая роль патриотизма, любви и преданности Родине вполне понятна. Патриотизм, как нравственное чувство, выражает стремление человека сделать свое Отечество более сильным, более могучим и более процветающим. Он же выражает готовность гражданина страны в любой момент выступить на защиту Родины от любых посягательств.

Чувство патриотизма многогранно, объемно и многопланово. Оно выражает и гордость за свою страну, ее независимость и суверенитет, и гордость за достижения на путях независимости в экономике, в развитии демократии, защите прав граждан, за достижения культуры, гордость многовековой историей народа и наследием великих предков. Чувство патриотизма означает глубокую привязанность к родным местам, где человек родился, и где находятся могилы его предков.

Любовь к Родине, ее успехам и достижениям и любовь к родным местам, где человек родился и вырос, создают в сердце воина тот **высоконравственный сплав, который рождает у него беспредельную преданность родной Отчизне и своему народу.**

Говоря о значении этого приоритета в воспитательной работе, следует подчеркнуть, что именно на идеях патриотизма в наших Вооруженных Силах сформировался новый гражданин, патриот, воин — последовательный и самоотверженный борец за независимость страны, ее территориальную целостность, за мирную и спокойную жизнь нашего народа.

Третий приоритет. Это — развитие у военнослужащих способности к постоянному приобретению и совершенствованию своих военных **профессиональных знаний и навыков, своего боевого мастерства.** Этот процесс имеет две взаимосвязанные стороны. Он предполагает высокий профессионализм, компетентность и высокое методическое мастерство офицеров-воспитателей, а с другой стороны — самодисциплину и внутреннюю потребность военнослужащего к приобретению и совершенствованию полученных знаний.

Опыт прошлых лет и итоги зимней боевой учебы вновь и вновь убеждают нас в том, что ключевыми звеньями успехов частей и подразделений, всего личного состава являются **служебная и нравственная позиция наших командных кадров от сержанта до генерала, их деловитость, принципиальность, строгая требовательность и непримиримость к недостаткам, а также постоянная и последовательная передача своего опыта подчиненным, умение в условиях военной реформы по-новому мыслить и действовать.**

Сама жизнь, сложность военно-политической обстановки в мире и регионе, условия военной службы, вытекающие из нового Закона «О всеобщей воинской обязанности и военной службе», требуют от военных кадров больше реальных дел, практических результатов, ответственности и принципиальности, личной скромности и внимания к людям. Это — главная мера оценки наших кадров, их профессионализма, компетентности и деловитости во всех сферах воинской деятельности. В этом суть требований руководства страны, Министра обороны к стилю и методам работы командиров всех степеней и к офицерам органов воспитательной работы.

Четвертый приоритет — это формирование у военнослужащих высокой дисциплированности, ответственности и необходимости строгого соблюдения требований законов и Общевоинских уставов. Дисциплинированность — основа успехов в боевой учебе, в несении службы, в личном поведении. Она же — верный путь к подвигу во имя Родины. Именно дисциплинированность и организованность рождают непревзойденные образцы мужества, отваги, стойкости, смелости и героизма. Важно также формировать у воинов такие жизненно необходимые в военной службе качества, как инициатива, решительность, находчивость и самостоятельность, которые играют большую роль в деятельности каждого военнослужащего независимо от его звания и служебного положения.

Хочется подчеркнуть еще одну мысль: по-новому мыслить и действовать может лишь тот военнослужащий, который постоянно воспитывает в себе **чувство ответственности.** Оно не приходит к воину само собой. Это качество вырабатывается трудом и волей военнослужащего. И главное здесь — совершенствование профессионализма, высокая компетентность и деловитость. Ведь по настоящему ответственным за состояние дел на порученном участке работы может быть лишь тот, кто досконально знает дело. И никакая активность не заменит знания дела. **Ответственность воина — это та внутренняя сила, которая не только не позволяет ему самому отступать от требований дисциплины, но и побуждает его активно бороться против любых нарушений уставного порядка.**

Пятый приоритет. Это — постоянное внимание к военно-политической обстановке в мире и регионе, анализ существующих угроз и вызовов нашей безопасности и на этой основе **всемерное повышение бдительности и боевой готовности.** Нам надо постоянно помнить, что внешнеполитические реалии сегодня таковы, что они не дают нам права на самоуспокоенность. Напротив, несмотря на некоторые успехи миролюбивых сил в борьбе с международным терроризмом, прежде всего в Афганистане и Ираке, они требуют новых и новых усилий в борьбе за высокую бдительность и постоянную боевую готовность. Сегодня как никогда время требует от каждого военнослужащего действовать в полную меру сил, инициативно, настойчиво, энергично, с высоким чувством ответственности.

Реформирование всех сторон нашей общественной жизни, новая духовно-нравственная атмосфера в стране, военная реформа, большие перемены в армейской жизни и повышение престижа военной службы создают исключительно благоприятные условия для совершенствования всей системы воспитательной работы, повышения ее качества и действенности.

Уже сегодня в духе установок нашего Верховного Главнокомандующего и решений Олий Мажлиса на его девятой, десятой и одиннадцатой сессиях второго созыва вся воспитательная, духовно-просветительская работа с личным составом **ориентирована прежде всего на самоотверженное служение Родине.** Она оказывает все большее влияние на формирование духовного облика военнослужащего, совершенствование его морально-боевых, психологических и физических качеств.

Усилиями командиров, органов воспитательной работы духовно-нравственное воспитание в ходе военной реформы все активнее пробуждает у каждого воина потребность к самосовершенствованию, стремление стать профессионалом в своем деле и личностью в воинском коллективе. Эта работа создает в частях и подразделениях такую духовно-нравственную атмосферу, которая возвышает человека, воспитывает в нем требовательность и принципиальность, высокую внутреннюю дисциплину, формирует в нем самые лучшие черты воина-гражданина, воина-патриота, воина-бойца, надежного защитника своей независимой Родины, верного народу и Президенту.

А. ХЛЫЗОВ.

I ЧАСТЬ ОПУБЛИКОВАНА В № 63 ОТ 24. 05. 2003 г.

1 ИЮНЬ—БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ

КАМАЛАК ЖИЛОСИ ТАРАЛГАН КУН

Болалар — келажагимиз эгаси. Қалбимиз қувончи, эртамиз таянчи. Биз етмаган орзулар, ечимини кутаётган буюк ишлар улар қўлида. Шунинг учун ёш авлодга эътибор миллатнинг келажагига эътибор демакдир.

Куни кеча 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни олдидан Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий кўргазмалар дирекцияси Ўзбекистондаги Миср Араб Республикаси элчихонаси, Миср Фан ва таълим маркази ва ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида «Камалак жилоси» расмлар кўрик-танловини ўтказди.

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган ушбу кўргазмага республикамизнинг Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент, Жиззах, Андижон, Сирдарё, Бухоро, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг 250 га яқин энг сара акварель расмлари ва амалий санъат буюмлари қўйилган. Бадиий кўргазмалар дирекциясининг Замонавий санъат марказида намойиш этилган ушбу асарлар мавзуси кенг кўламли. Яъни, асарларда қадрдон ўлка, меъморий обидалар манзаралари, каштачилик намуналари ҳамда юмшоқ ўйинчоқларда акс эттирилган болажонларнинг севимли эртак қаҳрамонлари тасвирланган.

Расмларга эътибор бераман. Баҳор манзараси, оила давраси, маҳалла кўриниши, дўстлик, тинчлик, меҳрибон устозлар каби турли мавзудаги бу чизгилар ҳар қандай инсонни ўзига жалб эта олади. Чунки уларда болаларча беғуборлик ила акс эттирилган ота-она меҳри ва оила даврасига интиқлик, гоҳида биз катталар қўл силтаб кетадиган оила бутунлигини асраш, эзгуликка интилиш каби туйғулар мужассам.

Ижодкор болаларнинг ёшлари турлича. Бу ерда олти ёшдан ўн олти ёшгача бўлган тарбияланувчиларнинг ижод маҳсули билан танишишингиз мумкин.

Қўқон шаҳар 12-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Александр Раҳимовнинг «Менинг оилам» суратида хонтахта атрофида, ота-оналари бағрида нонушта қилаётган болалар тасвири чизилган бўлса, Сирдарёнинг 22-сонли болалар уйи тарбияланувчиси Шавкат Раҳмоновнинг «Меҳр» деб номланган расмида бобосининг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олган болакай акс эттирилган. Шу меҳрибонлик уйида тарбия топаётган саккиз ёшли Азиз Мелибоев эса ўзининг «Ёрдамчи» деб номланган сурати орқали катталарга қарата: «Бизнинг ҳам қўлимиздан сизларга ёрдамлашиш келади, фақат биздан меҳрингизни аяманг», деган акс-садо келади гўё. Болалар гулдаста тутаётган устоз тасвири, онаси бағрида эркаланаётган бола, маҳалла ободлиги учун кўчат экаётган болалар — барча-барчасида тарбияланувчилар ўзларининг қалб тубидаги орзу-армонларини тасвирлашга ҳаракат қилишган.

«Камалак жилоси» расмлар танлови икки босқичда ўтди. Биринчи босқичда ҳакамлар ҳайъати вилоятлар бўйича ғолибларни белгилаб берган бўлса, иккинчи босқич бевосита Тошкентнинг 21, 22, 23, 24, 30, 31-сонли меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг чизган расмларидан ташкил топди. Кўргазма охирида Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси доктор Гамил Фаёд сўз олди.

— Ўзбекистонда иқтидорли болалар жуда кўп, сизлар ҳам мана шулар қаторидасиз, албатта. Азиз болалар, биз доимо сизлар билан биргамиз. Сизларнинг буюк рассом, бетакрор ижод аҳли бўлишингиз учун қўлимиздан келганича ўз ҳиссамизни қўшишни истаймиз. Мен сизларга соғ-саломатлик ва буюк келажак тилайман, — дея илиқ фикрлар билдирди ҳамда танловда иштирок этаётган элчихоналар вакиллари ва бошқа меҳмонларни имкон даражасида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Бирин-кетин сўз олган турли ташкилотлар масъул ходимлари ҳам кўргазма иштирокчиларига ўзларининг илиқ фикрларини билдириб ўтишди.

Танловнинг тантанали ёпилиш маросимида ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиблар номи эълон қилинди. Барча танлов иштирокчиларига Бадиий кўргазмалар дирекциясининг, Ўзбекистондаги Миср Араб Республикаси элчихонаси, Миср Фан ва таълим маркази, ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг диплом, мукофот ва совғалари топширилди.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари нигоҳида бу меҳр ва эътиборга жавобан миннатдорлик ва мамнунлик ҳисси барқ уриб турарди. Бу қувонч ва шодлик дилрабо қўшиқ ва рақсларга уланди.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ҲАЛИ ЯПРОҚ ЁЗМАГАН НИҲОЛ

Сапанинг номидан келиб чиқиб, саволни кўндаланига қўямиз: «Хўш, болаларни нимадан ҳимоя қилишимиз керак экан?». Аввало статистика тили билан унга жавоб беришга уринайлик. Маълумотларга кўра, ҳар йили дунёда 3 миллионга яқин беш ёшгача бўлган болалар ҳаётдан кўз юмаркан. Бунинг замирида асосан фарзандларни турли хасталикларга қарши эмлашдаги камчиликлар ётади. Қолаверса, бу ўринда етарлича озиқланмаслик ҳам муҳим омил. Дейлик, ривожланаётган мамлакатларда беш ёшгача бўлган жажжиларнинг 28 миллионидан зиёдроғи ана шу омил келтириб чиқараётган оқибатлардан азият чекаяпти. Бугунги кунда 180 га яқин мамлакат полиомелитдан холи, дея эътироф этилди. Бироқ, шунга қарамай ҳар йили 10 миллиондан зиёд болалар олдини олиш мумкин бўлган хасталиклар сабаб бевақт ҳаёт билан видолашмоқда. 600 миллионга яқин болакайлар эса қашшоқликка маҳкум. 100 миллиондан зиёдроғи мактаб нима эканлигини билишмайди. Санайверсак, бундай аянчли рақамларнинг давоми узун. Буларнинг баридан кўриниб турибдики, келажак давомчиларини хасталиклардан, ижтимоий муаммолардан ҳимоя қилишимиз зарур. Хўш, қандай қилиб? Бунга ЮНИСЕФнинг 72 та мамлакатда 9 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ўртасида ўтказган сўровномаси натижалари асосида жавоб излай қолайлик.

Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларида сўровномада қатнашган болаларнинг 50 фоизи уйда ҳам, мактабда ҳам уларнинг фикри билан ҳисоблашмаслигини айтишган. Европа ва Марказий Осиёда сўровномада қатнашган болаларнинг 60 фоизи фикрлари ҳукумат томонидан етарлича қабул қилинмаслигини баён этишган. Қолаверса, шу минтақаларда ҳар 10 боладан 6 таси сўровнома саволига жавоб бера туриб, уйида катталар ўта қўпол муносабатда бўлишини айтган. Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларида сўровнома иштирокчиларининг 25 фоизи уйдаги агрессив муносабатдан шикоят қилишган. Бу борада, яъни уйида калтакланиш, қўпол муносабатларда бўлиш бўйича Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақаси 23 фоиз, Камбоджа 44 фоиз, Шарқий Тимор 53 фоиз натижага эга. Яъни, фарзандларнинг шунчаси аёвсиз жазоланади, дегани бу.

Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида сўровнома иштирокчиларининг 50 фоизга яқини камбағал оила фарзандларининг камситилишини айтишган. Тенгқурлари томонидан-да, албатта. Ижтимоий адолатсизликнинг бошқача кўринишлари ҳам бор. Масалан, Ғарбий ва Марказий Европада сўровномада қатнашганларнинг 40 фоизи мамлакатларида бошқа этник гуруҳ болаларига ноҳақлик билан муносабатда бўлишини айтган. Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларида сўровномада қатнашган болаларнинг 50 фоизи уйда ҳам, мактабда ҳам уларнинг фикри билан ҳисоблашмаслигини айтишган. Европа ва Марказий Осиёда сўровномада қатнашган болаларнинг 60 фоизи фикрлари ҳукумат томонидан етарлича қабул қилинмаслигини баён этишган. Қолаверса, шу минтақаларда ҳар 10 боладан 6 таси сўровнома саволига жавоб бера туриб, уйида катталар ўта қўпол муносабатда бўлишини айтган. Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларида сўровнома иштирокчиларининг 25 фоизи уйдаги агрессив муносабатдан шикоят қилишган. Бу борада, яъни уйида калтакланиш, қўпол муносабатларда бўлиш бўйича Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақаси 23 фоиз, Камбоджа 44 фоиз, Шарқий Тимор 53 фоиз натижага эга. Яъни, фарзандларнинг шунчаси аёвсиз жазоланади, дегани бу.

Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида сўровнома иштирокчиларининг 50 фоизга яқини камбағал оила фарзандларининг камситилишини айтишган. Тенгқурлари томонидан-да, албатта. Ижтимоий адолатсизликнинг бошқача кўринишлари ҳам бор. Масалан, Ғарбий ва Марказий Европада сўровномада қатнашганларнинг 40 фоизи мамлакатларида бошқа этник гуруҳ болаларига ноҳақлик билан муносабатда бўлишини айтган. Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларида бештадан битта бола, ҳатто айрим ҳолатларда 50 фоиздан зиёд бола уруш бўлмайдиган заминда яшаш истагини билдиришган. Бу бежиз эмас. Масалан, айнан қуролли тўқнашувлар, можаролар оқибатида 1990—2000 йилларда 2 миллион бола ўлдирилган, 6 миллиони ярадор ёки ногирон бўлган, 12 миллиондан зиёдроғи эса уйсиз, етим қолишган. Демак, хулосани шулар замиридан излаш керак.

Энди болалар саломатлиги масаласига эътибор қаратсак. Қирққа яқин мамлакатда 70 фоиз болаларга А витамини етишмайди. ЮНИСЕФнинг маълумотларига кўра, ҳар йили шу сабаб билан 1 миллион бола ҳаётдан кўз юмаркан. 57 та ривожланаётган мамлакатда 10 фоизга яқин гўдак меъёридаги вазндан енгил туғилаётир. Жанубий Осиёнинг ўзида бу кўрсаткич йилига 11 миллионни ташкил қилаяпти. Бу она ва бола саломатлиги муҳофазаси йўлида улкан ишлар амалга оширилишини талаб этади.

Мақолада бахтли болаликдан атайлаб сўз очмадик. Болаликнинг бундай гўзал онларини бошидан кечираётганлар ҳам кам эмас. Мақсад — халқаро сана баҳона болаларга — келажак давомчиларига янада эътиборли бўлайлик, ҳали япроқ ёзиб улгурмаган бу ниҳоллар бевақт хазон бўлмасин, дея айтиш эди.

Капитан
Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Иқтисодиёт. Фан. Техника

ТЕМИР ЙЎЛ ВА ЭЛЕКТР

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Ўзтемирйўллойиҳа» институти томонидан йўловчиларга самарали транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш борасида кўпгина лойиҳалар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Мазкур компаниядан олинган маълумотларга кўра, яқинда муҳокамага қўйилган Тошкент—Ангрен темир йўлини электрлаштириш лойиҳаси ҳам ижобий баҳоланган. Лойиҳани амалиётга жорий этиш ишлари ҳозирдаёқ бошлаб юборилган.

Бунинг натижаси ўлароқ, «Жанубий» темир йўл вокзалидан Ангрен шаҳригача бўлган йўл электр тармоқлари билан жиҳозланади. Электрлаштириш ишлари ниҳоясига етказилгач, келгуси йил бошидан Тошкент — Ангрен йўлида юк ва йўловчи ташийдиган электр поездлари қатнай бошлайди.

Меҳри БОЛЛИЕВА,
ЎзА мухбири.

ОТЗЫВ «ФОРДОВ»

Компания «Форд Мотор Ко», заявила о предстоящем отзыве 185000 пикапов и спортивных автомобилей для проверки функционирования системы рулевого управления, элементы которой могли быть неверно установлены. Водителям в этой связи грозит потеря управления. Отзыву подлежат модели 1997 года Ф-150 и Ф-250, а также ряд «Форд Экспедейшн». Компания сообщила, что была уведомлена о трех инцидентах с потерей управления, произошедших из-за некорректной установки. Скоро «Форд» начнет рассылку писем владельцам этих моделей, с указанием, когда им следует обратиться к продавшу для сдачи машины на осмотр.

МАҲАЛЛИЙ ГИЁҲДАН — ДОРИ-ДАРМОН

«Ўзкимёфарм» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли «Галеника» шўъба корхонаси маҳаллий хомашёдан рақобатбардош ва сифатли дори-дармонлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда.

Корхона ўндан зиёд турда дори тайёрлаш билан ўз фаолиятини бошлаган эди. Ҳозир эса табиий шифобахш ўт-гиёҳлардан 30 хилдан зиёд дори-дармон ишлаб чиқарилмоқда.

Замон ЭШОНҚУЛОВ,
ЎзА мухбири.

САМАЯ СТАРАЯ — РУКОТВОРНАЯ

В Марокко археологами найдена каменная статуэтка, возраст которой составляет около 400 тысяч лет. Немецкие археологи, изучающие объект с 1999 г., заявили, что это самый старый объект, сделанный руками человека. Длина плохо обработанной статуэтки составляет 6 см. Камень вырезан в виде фигурки человека, особенно четко просматриваются шея, руки и ноги. На поверхности статуэтки обнаружены остатки красного вещества, которое, предположительно, является эмалью. Статуэтка была найдена на глубине 15 метров недалеко от города Тан-Тан. Предположительно, она была сделана в ашельский период, то есть около 500—300 тыс. лет назад.

Болакай: — Дада, мана бўйим сиз билан тенглашди. Энди аскар бўла оламанми?

Ота: — Сен ҳали генерал ҳам бўласан.

Ота ўғлига термулар экан, унда ўзининг болалигини кўргандек бўлади. Отасига, унинг эгнига ярашган ҳарбий либосига қараб, боланинг қалбида ҳавас куртаклайди. Келинг, уларни сизга ҳам таништирайлик.

Болакай уч ёшли Алишер Долиев бўлади. Буни қарангки, шаҳдам қадам ташлашни, «ўнг-га!», «чап-га!» дея бўйруқ беришларни ҳам аллақачон ёд олган. Бўлажак юрт ҳимоячиси-да.

Ота эса шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Отабек Мамасолиев. Ўз соҳасининг асл профессионалларидан. Мерганлик бобида унга бас келадиган камдан-кам. Хуллас, ота-бола суҳбатлашиб-суҳбатлашиб, истироҳат боғига — байрамга йўл олишди.

Александр МРУЧАК
суратга олган.

„ОАЗИС“ — ДРУЖНАЯ СЕМЬЯ

На всем постсоветском пространстве Узбекистан сегодня, пожалуй, единственное государство, где с такой заботой и любовью относятся к подрастающему поколению. И все потому, что с первых дней обретения независимости это направление возведено в ранг первоочередной государственной задачи, выполнение которой находится под постоянным контролем руководства республики. Для наших детей созданы все условия, чтобы они росли, развивались, набирались сил, верили в завтрашний день. Особое внимание — самым маленьким, делающим по жизни первые шаги. Ведь от того, насколько мы будем к ним чуткими и отзывчивыми, насколько сумеем воспитать их в мире доброты и ласки, будет зависеть, кем они станут и с какими намерениями войдут во взрослую жизнь.

Главная роль в этом важном процессе, несомненно, отведена родителям, однако становление ребенка не ограничивается лишь общением с ними. Гораздо шире познает он окружающий мир, находясь в коллективе, а точнее, в дошкольных детских учреждениях, к услугам которых прибегает практически каждая семья. И вот здесь на первый план выходит воспитатель, тот, кому мы доверяем своего малыша, и кому, искренне признательны за его труд, который под силу лишь людям, по-настоящему любящим детей, отдающим им частицу своей души, своего сердца.

С такими людьми мне посчастливилось поближе познакомиться в специализированном детском саду с экзотическим названием «Оазис». Без малого сорок лет функционирует это дошкольное учреждение и полностью соответствует своему названию. Это поистине райский уголок, в котором царят доброта и любовь. Каждый день детишки летят сюда, словно на крыльях, а расстаются с явной неохотой. Что же манит сюда ребятню, что притягивает их к себе, будто магнит? Душевное тепло тех, кто здесь работает, кто изо дня в день создает для детворы сказочный мир — вот ответ на все вопросы.

Поведя разговор об этом детском садике, я не случайно назвал его специализированным. Сюда приходят дети, у кого выявлены определенные дефекты речи, а это означает, что на сотрудников ложится особая ответственность — излечить этот недуг, дать ребенку возможность полноценного общения. Поверьте, задача эта не из легких, но, как показывает практика, она под силу воспитателям, врачам, нянечкам, одним словом, всему персоналу «Оазиса», ведь их объединяет общая цель — здоровье ребенка, и этому подчинена вся их профессиональная деятельность.

Сотни и сотни родителей адресуют слова благодарности заведующей Софье Акчуриной, методисту-логопеду Рашиде Хусановой, воспитателям Ландыш Халиковой, Лине Лутинцевой, медицинским работникам Саере Саидхановой и Венере Минибаевой, которые не жалеют ни сил, ни времени ради светлого будущего наших детей.

В эти дни в садике царит праздничная атмосфера, правда, с небольшим оттенком грусти — стены «Оазиса» покидают те, кого очень скоро мы назовем первоклассниками. Перед ними открывается новая дорога, по которой, уверен, они пойдут твердой поступью, поскольку имеют за плечами довольно солидный багаж знаний. Все они знают историю своего края, умеют читать, писать, прибавлять и отнимать, а некоторые даже общаться на английском. И в этом опять-таки огромная заслуга работников сада, стремящихся постоянно совершенствовать свою сферу деятельности. Пример, который сейчас приведу, заслуживает, на мой взгляд, особого внимания. Сотрудники сада, а именно С. Акчурина, Р. Хасанова являются авторами нескольких книг по развитию речи, которые нашли широкое применение в области дошкольного воспитания.

О достоинствах детского сада «Оазис» можно говорить еще много, но самое главное, что здесь растут и воспитываются дети, полные сил и здоровья, а их маленькие сердца наполняются чувством любви к своей Родине.

Подполковник
Ярослав КОРУКА.
Фото автора.

ТУҲФА

Самбо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, педагогика фанлари номзоди Фазлиддин Пўлатовни таҳририятимизга етаклаган нарса унинг шеъриятга ошиқлиги экан. Тўғри, таниқли спортчи сифатида соғлом турмуш тарзини ёшларимиз ўртасида кенг тарғиб қилишда хизматлари беқиёс. Аммо ижодда, хусусан шеъриятда ўз имкониятларини энди синаб кўрмоқда. Бизни қувонтиргани унинг асосан жажжи болажонларимизга бағишлаб шеър машқ қилаётгани бўлди. Негаки, болаларга атаб ижод қилиш учун улар руҳиятини билиш лозим. Спортчи ва олимнинг бу йўналишдаги илк уринишларига ўзингиз баҳо берарсиз. Шуни ҳам қўшимча қилиш лозимки, Ф. Пўлатовнинг «Шоҳруҳ ҳақида афсона» номли болаларга бағишланган илк шеърий тўплами яқин кунларда нашр этилади. Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига эса у қуйидаги шеърларини туҳфа этди.

ТАҲРИРИЯТ.

ФАХР

Менинг икки акам бор,
Алплар мисол баҳодир,
Бирининг исми Аброр,
Иккинчиси-чи Ботир.

Учувчи — акам Аброр,
Самода этар парвоз.
Лочинлардек чарх урар,
Қиламан унга ҳавас.

Ботир акам ҳарбийда
Чегарачи, ҳушёр у.
Юрт, халқ тинчи йўлида,
Туғлари ҳам бедор у.

Ҳар иккала акамдан
Шодман, қиламан фахр.
Улар эл-юрт деб ёниб,
Хизмат қилмоқда ахир!

ОРЗУ

Менинг бир орзуим бор,
Хомхаёл деманг, бекор.
Космонавт бўлмоқчиман,
Фазога учмоқчиман.
Билим олгум, дўстларим,
Ушалар орзуларим.
Сўнг Ойни ҳам қучаман,
Ҳатто Марсга учаман.
Термуламан осмонга,
Юлдузчалар порлайди.
Кел бу ёққа — самога,
Деб, гўё чорлайди.
Мен — истиқлол ўғлони,
Аҳдимдан ҳеч қайтмайман.
Ўзбегимнинг байроғи,
Ойга элтиб қадайман.

Фазлиддин ПЎЛАТОВ.

ВАТАН

Ҳур Ватаним бой бўлсин,
Энг муқаддас жой бўлсин.
Дунёда ҳар бир Ватан
Яшнасин, гулга тўлсин.

Бобо қуёш нур сочсин,
Шу заминга дур сочсин.
Буюк Ўзбекистонни,
Ёш авлодлар асрасин.

ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон —
зар тупроғим,
Ўзбекистон —
олтин боғим,

Кўз тегмасин,
байроғимга,
Боғлаб қўяй
кўзмунчоғим.

Рухшона КОМИЛ қизи
5-синф ўқувчиси.
Сирдарё вилояти,
Ховос тумани.

«ЁДГОР» — КИНО ЭКРАНИДА

Мамлакатимиз кино ижодкорлари ёшларимиз тафаккури, дунёқараши, қизиқишига монанд фильмлар яратмоқда. Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги кино саройида «Осмондаги болалар», «Нотаниш полвон», «Ўртоқ Бойкенжаев» каби фильмларнинг премьераси муваффақиятли ўтди.

«Ўзбеккино» давлат акциядорлик компанияси 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига ўзига хос туҳфа ҳозирлади. Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб компания ҳузуридаги Ёшлар тажриба ижодий студияси адибнинг «Ёдгор» қиссасини экранлаштирди. Мазкур видеофильмнинг премьераси 1 июнь куни пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги кино саройида бўлиб ўтади.

— Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни «Ёдгор» фильмининг премьераси бўлади. Шундан кейин фильм пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги кам таъминланган, серфарзанд оилалар ўғил-қизлари, Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчиларига хайрия тарзида намойиш этилади, — дейди кино саройи директори Обиджон Холиқов. — Янги кино премьераси бир ой давом этади.

Фильмнинг сценарий муаллифи ва режиссери Ҳилол Насимов, бош оператори — Ҳотам Файзиев. Асосий ролларни Алишер Ҳамроев, Камола Умархўжаева, Разъо Зокирова, Ўктам Луқмонова ижро этган.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

Яқин Шарқ: «йўл харитаси» йўлга чиқди

БМТнинг Яқин Шарқ муаммосини ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракати фаолларга бошлади. Ўтган ҳафта Исроил билан Фаластин ўртасидаги можарога барҳам бериш мақсадида Европа Иттифоқи, АҚШ ва Россия томонидан ишлаб чиқилган «Йўл харитаси» режасини Фаластин ҳам, Исроил ҳам маъқуллади. Энди масала ушбу режани ҳаётга жорий қилишдан иборат.

БМТ Бош котиби Кофи Аннан мазкур режани Исроил томони маъқуллаганлиги ҳақидаги хабарни олгач, Халқаро ҳамжамият Исроил ва Фаластиннинг ярашув жараёнини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

Кофи Аннан томонлар ушбу режани кечиктирмай амалга оширишга киришар экан, инсонпарварлик, иқтисодий, сиёсий ҳамда хавфсизлик борасида ҳам ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилишга умид билдирди. Чунки, фақат шундай қилинганда, на минтақада террорчилик ва зўравонликка чек қўйилиб, тинчлик ва барқарорлик қарор топади, дейилади БМТ қарорғоҳидан тарқатилган баёнотда.

Хабарларда айтилишича, 5 июнь куни Қизил денгиз соҳилидаги Акаба шаҳарчасида АҚШ президенти Жорж Буш, Исроил ва Фаластин бош вазирлари Ариэл Шарон ҳамда Маҳмуд Аббос иштирокида «Йўл харитаси»ни ҳаётга жорий қилиш масаласига бағишланган саммит бўлиб ўтади. Айрим ҳабарларга қараганда, саммитда Иордания подшоҳи Абдулла II ҳам иштирок этиши мумкин.

4 июнда эса Оқ уй раҳбари Жорж Буш ушбу масалада айрим араб давлатлари раҳбарлари, жумладан, Миср президенти Хусни Муборак ва Саудия Арабистони шаҳзодаси Абдулла билан музокара ўтказишни мўлжаллаган. Мазкур учрашув Миср шаҳрининг Шарм-аш-Шайх шаҳрида уюштирилмоқда.

Шунга қарамай, кузатувчилар «Йўл харитаси»ни амалга ошириш анча қийин кечишини башорат қилаётир. Чунки, мазкур режа минтақада беқарорлик келтириб чиқаришга уринаётган айримачи гуруҳларнинг ниятларига айланиши мумкин. Масалан, ушбу фикр куни кеча Крит оролидаги Херсонисос шаҳарчасида бўлиб ўтган Европа Иттифоқи ҳамда Шарқий Ўртаер денгизи давлатларининг ташқи ишлар вазирлари даражасидаги анжуманда ҳам айтилди. Шунга қарамай, минтақада тинчлик ўрнатиш борасидаги бу ижобий қадам барча давлатлар томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда кутиб олинмоқда.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ИРОҚ БИЗНЕС УЧУН ОЧИҚ

Ироқ аҳолиси орасида урушдан кейин биринчи марта маош тарқатилди. Электр энергияси билан таъминлаш соҳасида банд бўлган олти мингдан ортиқ давлат хизматчисига лавозим ва қилган меҳнатига қараб, 80 дан 400 долларгача берилди. Маълумотларга қараганда, 3 июнга қадар давлат хизматчиларининг барчасига маош тўлиқ тарқатилади. Ўқитувчи ва шифокорларнинг маоши можородан аввали кўрсаткичга қараганда бир неча бор ортади.

АҚШнинг Ироқдаги маъмурияти раҳбари Пол Бремер журналистлар билан учрашиб, талай диққатга сазовор маълумотларни ҳавола этди. Унинг маълум қилишича, айни пайтда иттифоқчилар Ироқдаги вазиятни тўлиқ назорат қилмоқда. Ҳарбий ҳаракатлар натижасида издан чиққан электр ва сув таъминоти тармоқлари тикланган. Бошқа муаммоларни ҳал қилиш борасидаги ишлар ҳам авжида. Бундан ташқари, Ироққа хорижий маҳсулотларни олиб келишни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор дастурлар ҳам амалга оширилмоқда. Уларда Ироқ марказий банки ҳамда хусусий ташкилотлар иштирок этмоқда.

АҚШ маъмурияти вакили шу маълумотлар билангина чекланиб қолганида, унинг гаплари, балки бунчалик диққатга сазовор бўлмас эди. Негаки, Ироқдан келаётган хабарларнинг аксарияти қайта тикланаётган тизимлар, корхона ва муассасалар, иқтисодиётни оёққа тургазиш билан боғлиқ ишлар тўғрисидаги маълумотлардан иборат. Лекин журналистлар билан ўтган учрашув якунида Пол Бремернинг «Ироқ замини бизнес учун қайта очилди», деган гапи бутун дунё ишбилармонлари эътиборини Ироққа қаратди. АҚШ маъмуриятининг нуфузли вакили томонидан айтилган бу фикр Ироқ иқтисодиётига сармоя киритиш, мамлакатни тиклаш, ироқлик бизнесменлар билан самарали ҳамкорлик қилиш учун зарур шарт-шароит яратилганидан далолат берди. П. Бремернинг бу сўзлари дунё ишбилармонларига қаратилган ўзига хос даъват бўлиб янгради.

АҚШ дунё ишбилармонларини Ироққа келишга даъват этаётган бир пайтда катта бизнес вакилларининг бу чақириқларга қулоқ тутиши, амалий ҳаракатлар бошлаши қатор омилларга, мавжуд муаммо ва зиддиятларнинг иложи борича тезроқ ҳал этилишига боғлиқлигини айтиш даркор.

Барқарорлик ва ўзаро ишонч ҳар қандай бизнеснинг асоси экани барчага маълум. Охирги йигирма йил ичида учта урушни бошдан кечирган мамлакатда бир кунда тинчлик ўрнатиб бўлмаслиги аниқ. Шундан келиб чиқилса, айни пайтда қилиниши лозим бўлган ишларнинг энг муҳими — мамлакатда тинчлик ўрнатиш.

Баъзи ҳисоб-китобларга қараганда, Ироқнинг ташқи қарзи 400 миллиард АҚШ долларидан ошиши мумкин. Бу маблағнинг аксарияти Саддам Ҳусайн ҳукмронлиги даврида Ироқ ҳукумати томонидан олинган. Айни пайтда дунё мамлакатлари бу масалани ҳал қилиш борасида музокараларни бошлаб юборган.

Тўғри, кўпчилик мустабид тузум вакилларига берилган қарзнинг барчасини қайтариб олиш мумкин эмаслигини тушуниб турган бўлса-да, миллиардлаб доллардан воз кечиш ҳам осон бўлмайди. Шу сабаб, агар айни пайтда иттифоқчилар ва янги тузилажак Ироқ ҳукумати мазкур масалани сих ҳам кабоб ҳам қуймайдиган тарзда ҳал қила олмаса, жўнроқ айтганда, йўқотилаёзган ишончни тиклама, катта сармоя жалб этиш қийинлашиши турган гап.

Ироқни тиклаш учун қанча вақт кетиши, қанча маблағ сарф қилиниши борасида фикрлар, башоратлар, ҳисоб-китоблар талайгина. Лекин уларни бир четга суриб, рақамларга мурожаат қилинса, Ироқда рўй берастган ижобий ўзгаришлар, ҳақиқатан ҳам, сезиларли даражада эканига амин бўлиш мумкин. Бу ўзгаришлар айниқса Ироқнинг нефт қазиб чиқариш соҳасида яққол намоён бўлади. Айни пайтда Ироқда кунига 800 минг баррел нефт қазиб чиқарилмоқда (икки ҳафта аввал — 600 минг баррел эди). Ироқ муваққат маъмурияти нефт вазирлиги раҳбари Самир ал-Гадбаннинг айтишича, жорий йилнинг охирига қадар бу кўрсаткич 3 миллион баррелга етиши мумкин. Бу эса можородан аввалги миқдорга тенгдир.

Бобур СОБИРОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Санкт-Петербург—Узбекистан: мосты дружбы и доброты

«В Ташкенте я впервые узнала, что такое человеческая доброта». Так писала Анна Ахматова, вспоминая дни, проведенные в хлебосольном городе Ташкенте в годы Второй мировой войны.

Да, многих ленинградцев, да и не только их, приютил Узбекистан в те суровые дни. Поэты и писатели, проживавшие в нашей республике, посвятили Узбекистану свои книги и циклы стихов.

В своем стихотворении «Воспоминания об Узбекистане» ленинградская поэтесса Вера Инбер с восхищением говорит:

«Я видела твой виноградный рай.
Когда наступает срок,
Весной говорят ему:
«Друг, вставай»,
И он отвечает: «Хоп».

Здесь, в Узбекистане — стране «бессмертных роз, сухого винограда», как его охарактеризовала Анна Ахматова, ее слух ласкало «Халимы соловьиное пенье».

И как бы ответом человеческой доброте прозвучало известие о праздновании 500-летнего юбилея великого узбекского поэта Алишера Навои в блокадном Ленинграде.

Но было бы ошибочным считать, что связи между нашей страной и Санкт-Петербургом ограничиваются только периодом Второй мировой войны, когда в республику были эвакуированы Художественная академия и Ленинградская консерватория, госпитали и различные предприятия, тысячи ленинградцев, среди которых много ученых, поэтов, писателей, деятелей культуры и искусства, инженеров и рабочих.

Узы сотрудничества между Узбекистаном и Санкт-Петербургом берут начало с позапрошлого века. В конце XIX — начале XX веков члены археологической экспедиции, снаряженной Императорской археологической комиссией, вели раскопки на городище Афросиаб. Вообще историческое и культурное наследие узбекского народа всегда привлекало именитых ученых-петербуржцев. В разные годы в фондах Самаркандского музея работали такие ученые из Эрмитажа, как М. Пиотровский, Ю. Якубовский, И. Иванов, А. Беленицкий, В. Луконин и многие другие.

Нельзя не вспомнить и о большом знатоке народного творчества — Викторе Жирмунском. Посвятив свою научную деятельность изучению устных и письменных памятников народов мира, он активно пропагандировал бесценное сокровище узбекского эпоса — дастан «Алпомиш».

Известный ленинградский художник-реставратор А. Н. Ступин внес большой вклад в дело восстановления росписи купола мечети Тилля-Кори на площади Регистан. В 80-е годы прошлого столетия ленинградские художники Коротков, Рывин и другие приняли активное участие в оформлении экспозиции Самаркандского музея истории культуры и искусства.

Не прекращаются подобные связи и по сей день. Плодотворно сотрудничают ученые Бухарского государственного музея-заповедника и института археологии Республики Узбекистан со своими коллегами из Государственного Эрмитажа. Учеными нашей страны и Санкт-Петербурга проведены совместные археологические раскопки на древнем городище Пайкенд в Бухарской области, относящемуся к VI—III векам до н. э. Примерно 5 тысяч единиц уникальных и бесценных материалов этих научных изысканий хранятся сегодня в музеях республики.

Сотрудники Государственного музея-заповедника Узбекистана и музеев Санкт-Петербурга сотрудничают также в области музейного дела. С помощью программистов Эрмитажа проведена компьютеризация фондов в Бухаре. Сотрудники Бухарского музея-заповедника выступают с интересными докладами в Российском музее этнографии.

Все это, естественно, служит делу сближения наших народов, укрепления дружбы и взаимопонимания между ними. Большой вклад вносят в благое дело и авиакомпании «Узбекистон хаво йуллари» и «Пулково», выполняющие регулярные рейсы между Санкт-Петербургом и Ташкентом, а также древними узбекскими городами Самаркандом и Бухарой.

В августе 2002 года узбекские самолетостроители подписали протокол о финансировании проекта производства 5 самолетов ИЛ-114 с российскими двигателями ТВ7-117СМ и ВСУ ТА-14 с компанией «Норд Вест Лизинг» и ФГУП «Завод им. В. Я. Яковлева».

Тесные торговые связи налажены также между Алмалыкским горно-металлургическим комбинатом и такими предприятиями Санкт-Петербурга как машиностроительный завод «ОМЗ», Невский завод им. Ильича, электромеханический завод «Электросила» и т. д.

Узбекистан, прилагающий все усилия по укреплению культурных, научных, экономических и политических связей между городами, регионами и странами, выступал и впредь будет выступать за усиление интеграционных процессов.

В эти прекрасные весенние дни в Санкт-Петербург съехались государственные и правительственные делегации со всего мира на празднование 300-летнего юбилея великого и мужественного города, в котором принимает участие и официальная делегация Узбекистана.

Бахром ШАРИПОВ,
обозреватель ИА «Жахон».

Мунажжимлар башорати

ҚУЙ. Хизмат кўнгилдагидек давом этади. Ҳаётга қизиқиш билан қаранг ва ҳаммаси жойида бўлади. Сафдошлар, дўстлар ва севимли кишингиз билан яхши муносабатлар. Оила аъзоларингиз муваффақияти сизни хурсанд қилади. Хизмат сафарлари тавсия этилмайди. Машина бошқаришни ўйламанг. Пайшанба, шанба ва якшанба — сиз учун омадли кунлар.

БУЗОҚ. Келажак учун режалар тузиш даври. Маблағ борасида ҳаммаси жойида бўлади. Хизматингиз яхши давом этади. Ҳарбий жамоада сафдошлар ва қўл остидагилар билан жуда яхши муносабатлар юзага келади. Оилада ҳам ҳаммаси кўнгилдагидек. Хизмат сафари муваффақиятли бўлади. Дўстингиз билан келишмовчилик бўлиши мумкин. Душанба, сешанба ва чоршанба — омадли кунлар.

ЭГИЗАКЛАР. Ҳаммасини айтилгандек бажарсангиз, яхшигина маблағга эга бўласиз. Муҳим қарорлар қабул қилишга шошилманг. Сафдошлар ва командирлар билан яхши муносабатлар. Севги бобида ҳам ҳаммаси жойида. Дўстлар ва оила аъзоларингиз сизга яхши лаҳзалар ҳадя этишади. Хизмат сафарларини кейинроққа қолдиринг. Сешанба куни эрталабдан ва шанба куни кечқурун омадингиз келади.

ҚИСҚИЧБАҚА. Ҳамма ишни ўзингизга олаверманг. Баҳслашманг, муҳим қарорлар қабул қилманг. Соғлигингиз жуда яхши бўлади. Ҳарбий жамоангизда кўнгилдагидек муносабатлар. Бир оз қувватсизлик сезасиз. Бировни алдаманг — ҳаммаси юзага чиқади, ўзингиз ҳам алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Душанба, шанба ва якшанба — сизга муваффақият келтирувчи кунлар.

АРСЛОН. Ҳарбий жамоангизда жуда яхши, ишчан муносабатлар юзага келади. Узоқ хизмат сафарлари муваффақиятли бўлади. Командирларга ҳозирча мурожаат қилмай туринг. Дўстлардан эҳтиёт бўлинг — улар сизни алдашлари мумкин. Ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш учун яхши давр. Жума ва якшанбада омад сизга ёр бўлади.

ПАРИЗОД. Командирлар билан мулоқотлар, хизмат сафарлари ва музокаралар муваффақиятли бўлади. Ҳеч кимдан қарз олмасликка ҳаракат қилинг. Хизмат бурчингизни виждонан бажариш обрўингизни оширади. Автомобиль ва телефон борасида яхши ўзгаришлар кутилмоқда. Чоршанба куни омад сизга ёр бўлади.

ТАРОЗУ. Соғлигингиз яхши бўлади. Ҳарбий жамоангизда яхши, ишчан кайфиятдаги муносабатлар юзага келади. Сафдошлар сизга ёрдамга шай. Маблағ борасида бир оз етишмовчилик бўлиши мумкин. Шу сабабли катта сарф-харажатлар тавсия этилмайди. Дўстингиз ҳуқуқий масалаларда кўмак беради. Чоршанба — сиз учун муваффақиятли кундир.

ЧАЕН. Ўзингизни тинчхотиржам ва камтарона тутишга ҳаракат қилинг, ҳар ерга суқилиб, турли нарсаларни ўйлаб топманг. Хизматингизни бир маромда давом эттиринг. Командирлар ва сафдошлар билан муносабатлар яхши давом этади. Дўстлар билан байрам дастурхонига тўпланиш мумкин. Уйда бир оз келишмовчилик бўлади. Жума — сиз учун омадли кун.

ЎҚТАР. Кайфиятингиз қувноқ бўлади. Машина рулини бошқариш ва муҳим ҳужжатларга имзо қўйиш тавсия этилмайди. Соғлигингизга эътибор беринг. Маблағ борасида бир оз етишмовчилик бўлиши мумкин. Хизмат бурчингизни ҳалол бажариш жамоада ҳурматингизни оширади. Душанба, пайшанба ва жума — муваффақиятли кунлар.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Ишларингиз кўп бўлса-да, ажойиб кайфиятда бўласиз. Яхшигина маблағга ҳам эга бўласиз. Бундан ташқари, қўшимча даромад келиши мумкин. Сафарга чиқиш, мулк борасидаги ишлар тавсия этилмайди. Уйда бир оз муаммолар бўлиши мумкин. Чоршанба куни омад сизга ёр бўлади.

ҚОВҒА. Саёҳатга чиқишингиз ёки хўжалик ишлари билан шуғулланишингиз мумкин. Жамоадаги хизматингиз яхши давом этади. Командирлар, сафдошлар ва қўл остидагилар билан яхши муносабатлар. Оилада ҳам ҳаммаси кўнгилдагидек. Сешанба, шанба ва якшанба — омадли кунлар.

БАЛИҚ. Уйда ва оилада яхши вазият юзага келади. Ҳарбий жамоада ҳам ишларингиз жуда яхши давом этади. Умуман, дўстлар ва сафдошлар ёрдамига таянишингиз мумкин. Муҳим қарорлар қабул қилишга шошилманг. Маблағ тушиши ҳам бир оз қийин кечади. Сешанба ва пайшанба — сиз учун омадли кунлар.

Молодежный центр, действующий при Бухарском областном Совете Общества Красного Полумесяца Узбекистана, свою работу строит с учетом самых разносторонних интересов своих сверстников и ребят помладше. Идей у инициативной группы немало, потому все мероприятия, которые они проводят, с каждым разом становятся все привлекательнее.

На снимке: во время планирования очередных мероприятий.

Фото Александра МРУЧАКА.

● БУГУН — ЧЕКИШГА ҚАРШИ ХАЛҚАРО ҚУРАШ ҚУНИ

Ҳаётимиз кушандаси

Инсоният саломатлиги кушандаси бўлган тамаки унинг ҳаётига тобора кириб бораётгани ҳақиқат. Чекишга қарши кураш авж олгани сайин чекувчилар сони ҳам ортаётгандек. Масалан, қўшни Қирғизистонда 1996 йилда 21800 тонна тамаки япроғи етиштирилган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 35 минг тоннага етди. Эҳтиёж бордирки, суръати кўтарилиб бораётир. Келинг, бу иллат билан боғлиқ аҳвол, унга қарши олиб борилаётган кураш хусусида Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг биз аъзо бўлган Европа минтақавий бюроси мамлакатларидаги вазиятга бир сидра назар ташласак.

Маълумотларга қараганда, ҳар йили Европа минтақавий бюросига кирувчи мамлакатларда тамаки маҳсулотлари 1,2 миллион нафар одамнинг ёстиғини қуритаркан. Бу ўлим билан боғлиқ барча ҳолатларнинг 14 фоизи деганидир. Эксперт-ларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бирон-бир самарали чора-тадбир қўлланилмаса, 2020 йилга бориб ҳар йили 2 миллиондан зиёд одамнинг чекиш оқибатида умри хазон бўлади. Яъни, ўлим билан боғлиқ барча ҳолатларнинг 20 фоизини чекиш эгаллайди. Бир нарсани таъкидлаш лозим. XX аср охирларигача чекиш билан боғлиқ эпидемия кўпроқ бой мамлакатларга ўз таъсирини ўтказиб келаётганди. Афсуски, кейинги пайтларда даромад даражаси паст, ўртача бўлган мамлакатлар ҳам чекиш «хасталиги»ни тобора кўпроқ юқтириб бораётир. Шу муносабат билан Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тамакига қарши кураш бўйича минтақавий маслаҳатчиси доктор Хейк Никогосиан шундай дейди:

«Кўплаб Европа мамлакатлари, хусусан, минтақанинг шарқий қисми тамаки саноатига ўз маҳсулотларининг потенциал ўсиб борувчи бозори сифатида қарашади. Тамакига қарши қаратилган Варшава конференцияси декларацияси ҳукуматларга тамаки маҳсулотлари устидан қатъий назорат ўрнатишга ёрдам беради».

Статистика тили билан айтадиган бўлсак, 2020 йилнинг охирларига бориб йилига дунё бўйича айнан чекиш оқибатида 10 миллион одам ҳаётдан кўз юмади. Бунинг 70 фоизи эса ривожланаётган мамлакатлар улушига тўғри келаркан. Европа минтақасида 230 миллиондан зиёд кашанда бўлиб, уларнинг 40 фоизи эркаклар, 23 фоизи аёллар эканлиги ачинарли ҳол. Агар чекиш динамикасидаги ўсиш тўхтамаса, яшаётган асримизда 1 миллиард одамнинг ҳаётига бу иллат зомин бўларкан. Аянчлиси шундаки, ҳозирча дунёда чекувчиларнинг ўртача умри 20—25 йилга қисқариб бораяпти.

Кашандаларнинг катта ёшдаги тонфаси чекишни астасекин ташлай бошлагани, унинг соғлиқ учун зararини англагани яхши. Масалан, Буюк Британияда 1965 йилда 35—69 ёш орасидаги кашандаларнинг ўлими 80 мингга тенг бўлган бўлса, 1995 йилда бу кўрсаткич роппа-роса икки баробарга камайган. Польша парламенти 1999 йилда тамаки маҳсулотларини реклама ва тарғибот қилишга қарши қонунни қабул қилди. Айни пайтда дунёда тамаки маҳсулотларининг акциз солигидан 0,5 фоизи чекишга қарши фаолиятга сарфланмоқда. Спорт мусобақаларида тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш компанияларининг ҳомийлигига деярли барҳам берилаяпти. Ҳатто жаҳонда сиёсий партияларга бундай компанияларнинг ҳомийлиги тақиқланди.

Маълумотларга кўра, тамаки саноатининг дунёдаги йиллик даромади 100 миллиард АҚШ долларига тенг экан. Бу кичкина сумма эмас. Аммо дўппини бошдан олиб ўйлайдиган бўлсак, бу одамларнинг саломатлигига хавф солиш, кимларнингдир умрини бевақт хазон қилиш эвазига олинаётган даромад. Инсоният ўзидаги бу иллат устидан ғалаба қозонмас экан, тамаки тутунини бурқсиб-бурқсиб ютаверади, ўз умрига раҳна солаверади.

Капитан Алижон САФАРОВ.

● ФУТБОЛ. ЧЕМПИОНАТ УЗБЕКИСТАНА. ВЫСШАЯ ЛИГА

ПРОТИВОСТОЯНИЕ УСИЛИВАЕТСЯ

10-й тур: «Трактор» — «Насаф» — 1:2, «Навбахор» — «Бухара» — 2:1, «Самарканд» — «Коканд-1912» — 2:1, «Машъал» — «Пахтакор» — 1:2, «Металлург» — «Дустлик» — 0:0, «Кызылкум» — «Цементчи» — 4:1, «Гулистан» — «Сурхан» — 1:3, «Нефтчи» — «Андижан» — 1:0.

Прежде чем перейти к анализу нынешнего тура, хотелось бы вкратце остановиться на итогах четвертьфинальных поединков розыгрыша Кубка Узбекистана, тем паче, что некоторые из них заслуживают особого внимания. После уверенной победы (3:0) нефтяники были уверены, что и ответный матч с «Насафом» не вызовет особых затруднений, и они продолжат борьбу за этот почетный трофей. Но то, что произошло в Каршах, повергло в шок и самих футболистов «Нефтчи», и многочисленную аудиторию его поклонников. Пять безответных мячей побывало в воротах ферганцев, а это, согласитесь, разгром, который больно ударил по самолюбию команды, претендующей на «золото» чемпионата. Что же стряслось с одним из ведущих клубов нашего футбола? На мой взгляд, причина в одном — недооценка соперника. Практически по такому же сценарию проходил матч и в Мубареке, где местный «Машъал» принимал термезчан. «Суркан» на гостевой поединок отправлялся, имея в запасе четыре мяча (первая встреча завершилась — 5:1), но это преимущество таяло, как первый снег. Сумей «Машъал» забить еще один гол, а к этому он был очень близок, и сурхандарьинцев могла бы постигнуть участь «Нефтчи». К счастью, для них все обошлось. Мубарекцы ответили лишь тремя мячами, и в итоге в полуфинале — «Сурхан». Известны имена еще двух участников 1/2 финала. После ничейного исхода (1:1) в Бухаре «Навбахор» дома оторвался, что называется, по полной программе. Этот матч завершился с поистине хоккейным счетом — 7:0. Продолжает победное шествие и «Пахтакор». В Джизаке он ничем особым не блеснул, всего лишь ничья — 1:1, но зато в первой игре ташкентцы выглядели сильнее — 3:1, что и позволило им выйти в следующую стадию. Исходя из вышесказанного, следует отметить, что в очередной раз сработало неписаное правило: кубковые поединки — статья особая, где малейшее расслабление чревато нежелательными последствиями. Уж кто-кто, а ферганцы должны были помнить об этом, но, как говорится, и на старуху бывает проруха. Теперь же подопечным Юрия Саркисяна, чтобы не до конца растерять свой имидж, остается лишь не споткнуться в чемпионате. Пока что им это удается, правда, не без труда. А все потому, что середнячки, начавшие сезон ни шатко ни валко, постепенно обретают нужные кондиции и дают бой фаворитам. 10-й тур — наглядное тому подтверждение.

Ценой немалых усилий сумел вырвать победу «Нефтчи» у «Андижана», нелегко пришлось и «Пахтакору» в матче с «Машъалом». Оба коллектива с минимальным перевесом взяли верх над соперниками, а это означает, что вся борьба в чемпионате еще впереди, тем более, что, по всей видимости, не сказали еще своего веского слова те, кто устремился в погоню за лидерами.

С каждым днем прибавляет «Кызылкум», и хотя в этом туре противостоял ему новичок элиты «Цементчи», тем не менее победа со счетом 4:1 заслуживает внимания. Постепенно исправляет свое турнирное положение и «Насаф». Уступая «Трактору» в первом тайме 0:1, он все же сумел переломить ход игры в свою пользу и записать в актив очередные три очка. Изо всех сил рвется в верхнюю часть турнирной таблицы «Сурхан» и, надо сказать, небезуспешно. Переиграв в гостях «Гулистан», он продолжает свою беспроигрышную серию. Одним словом, интрига закручивается, а это уже становится интересным.

Ярослав КОРУКА.

ПОЛОЖЕНИЕ КОМАНД ПОСЛЕ 10-го ТУРА:

	И	В	Н	П	М	О
1. «Нефтчи»	10	9	0	1	28—5	27
2. «Пахтакор»	9	8	1	0	24—5	25
3. «Кызылкум»	10	6	2	2	19—8	20
4. «Насаф»	10	6	1	3	19—11	19
5. «Сурхан»	10	6	1	3	14—12	19
6. «Дустлик»	10	5	3	2	12—13	18
7. «Навбахор»	10	4	4	2	12—8	16
8. «Самарканд»	9	4	0	5	13—13	12
9. «Металлург»	10	3	2	5	12—19	11
10. «Цементчи»	10	3	2	5	11—19	11
11. «Машъал»	10	3	1	6	13—10	10
12. «Бухара»	10	3	1	6	15—16	10
13. «Андижан»	10	3	1	6	9—11	10
14. «Трактор»	10	2	2	6	10—25	8
15. «Коканд-1912»	10	2	0	8	10—23	6
16. «Гулистан»	10	1	1	8	6—26	4

«Пахтакор» прогрессирует

В начале этого месяца Международная федерация футбола истории статистики (МФФИС) обнародовала очередной рейтинг-лист, согласно которому ташкентский «Пахтакор» занимает теперь 61-ю строку в мировой табели о рангах. На первый взгляд, казалось бы, достижение не ахти какое, но если брать в сравнении, то это о чем-то и говорит. А именно: наша команда сумела обойти все ведущие клубы России. Приведу конкретные факты: «Локомотив» — 89-й, «Спартак» — 127-й, ЦСКА — 132-й. Согласитесь, подобное не может не радовать. Но и это еще не все. В биографию «Пахтакора» вписана еще одна яркая страница. Азиатская футбольная конфедерация объявила нашего чемпиона сильнейшим клубом континента 2002 года, чему во многом способствовало его успешное выступление как в Лиге чемпионов, так и во внутреннем чемпионате. Назвала АФК лауреатов еще в двух номинациях. Лучшей сборной Азии признана команда Южной Кореи, дошедшая до полуфинала на последнем чемпионате мира, а лучшим тренером минувшего года стал наставник южнокорейских футболистов голландец Гуус Хиддинк.

ҒАЛАТИ ҒАЛАЁН

Азиз муштарийлар! Шу саҳифага кўз югуртираётганларнинг баъзилари чекувчилар эканлиги шубҳасиз. Нафақат соғлиқ, балки маблағ томондан ҳам зарар етказувчи тамаки тўғрисида кўп гапирилган ва гапирилмоқда. Қуйида биз сизга шу иллат билан боғлиқ баъзи маълумотларни келтиришни лозим топдик.

Милан шаҳри аҳолиси 1848 йилнинг 1 январида оммавий равишда чекишни ташлади. Фаоллар бошчилигида фуқаролар кенгашиб, шу ишни амалга оширишларига сабаб ўша йилларда Италия Австрия қироллигига қарам бўлган даврдан эди. Маҳаллий тамаки фабрикаси босқинчилар қўлида бўлиб, ундан келадиган фойда Австрия армиясини қуроллантиришга сарфланарди. Яъни, итальянлар ўз душманларини ўзлари моддий жиҳатдан таъминлаётган эдилар.

Бу ҳолат Милан университетида тамакига қарши оммавий норозилик эълон қилингунга қадар давом этди. Бу вазиятда чекишни ташлаш гояси бутун Милан халқи томонидан қўллаб-қувватланди. Буни амалга ошириш учун кўнгиллилар кўчаларни айланиб, вазиятни кузатишар ва чекаётганларни ватан ва халқ душмани сифатида айблашарди. Ғазабга минган Австрия армияси шаҳарни ўққа тута бошлади. Қўзғолон Италиянинг бошқа шаҳарларига ҳам тарқала бошлади. Босқинчилар томонида бўлган ҳукумат чекишни ташлаганларга жазо бериш ҳақида қарор чиқарди. Жамоат жойларида тинимсиз чекишни ваъда берган ашаддий маҳбуслар қамоқхоналардан озод қилина бошланди.

Шунга қарамай, аксарият аҳоли чекишга қарши ҳаракатни қўллаб-қувватлагани боис, тайёр маҳсулотлар омборларда тўпланиб қолди ва Австрия армияси моддий таназзулга учради. Бу ҳаракат 75 кун давом этди ва бутун Италия бўйлаб ҳақиқий қўзғолонга айланди.

ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТЛАР

АҚШда чекишни ташлаган, аммо бундан жуда қийналаётганлар учун махсус телефон хизмати ташкил қилган. Унга қўнғироқ қилган собиқ кашанда сутка давомида чекиш оқибатида ўпкаси касалланган беморнинг даҳшатли йўталишини эшитиши мумкин.

***

Колумб Европага тамаки олиб келганидан сўнг узоқ вақтлар кўп мамлакатларда чекиш қонун томонидан таъқиб қилинган. Масалан, Швейцарияда кашандалар шармандалик устунига боғланиб сазойи қилинган бўлса, Англияда улар ватандан сургун ҳам қилинганлар.

***

Битта сигаретадаги кимёвий энергияни механик энергияга айлантириш имкони бўлганда, бу қувват чекувчини 9 метр баландликка кўтариш учун етган бўларди.

М. САЙДИВАЛИЕВ.

ҚОРАТЕПА СИРСИНОАТЛАРИ ОЧИЛМОҚДА

Эски Термиздаги Қоратепа ёдгорлигида қазилма ишлари олиб борган Ўзбекистон—Япония қўшма археологик экспедициясининг баҳорги мавсуми якунланди.

Кейинги йилларда қазилма ишларини асосан баҳор ва куз ойларида давом эттираётган қўшма археологик экспедициянинг бу мавсуми ҳам янгиликларга бой бўлди. Қўшма экспедиция раҳбари, таниқли археолог олим Шокир Пидаевнинг маълум қилишича, тадқиқотлар пайтида Будда динининг Қоратепадаги мемориал иншоотидан буддавийлик билан боғлиқ турли образдаги рангли деворий суратлар топилган. Хусусан, оҳактошдан, лой-ганчдан ясалган одамлар ва афсонавий, ғайриоддий ҳайвонлар тасвирланган ҳайкаллар ўрганилди.

Кейинчалик Будда дини бу ердан бошқа давлатларга тарқалиб, Қоратепа ибодатхонасининг мавқеи бир оз пасайган даврларда ундан қабристон сифатида фойдаланилган. Эрамизнинг 5—6 асрларида марҳум дафн қилинганда унга қўшиб эфталитлар тангаси, тақинчоқлар, кийим-бошлар ҳам кўмилган. Қизиғи шундаки, ибодатхонадан топилган ҳайкаллар алоҳида, турли безаклар билан ишланган.

Чори ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

ЭНИГА: 1. Олий табақа футбол командаси. 4. Пил фасли. 6. Ақлий спорт ўйини. 9. Кўмир нави. 10. Франция автомобили маркаси. 11. Сув транспорти воситаси. 13. Рангли металл. 15. Шифобахш, жануб дуккакли гиёҳи. 18. Газ модда. 19. Ҳаво жангида қўлланиладиган усул. 22. Газлама тури. 24. Миллий таом. 25. Ўзбек шоираси. 26. Сочидаги оромгоҳ. 29. Кулолчилик маҳсулоти, идиш. 32. Сабзавот экини. 33. Дунё, борлиқ. 36. Идрокнинг асоси. 39. Ёшлар жамғармаси. 41. Клавишли мусиқа асбоби. 42. Экин майдони қисми. 43. Автомобиль қисми. 44. Автомобиль маркаси. 45. Материянинг тузилиш хусусияти ва ҳаракатини ўрганувчи фан.

БУЙИГА: 1. Қашқадарё вилоятидаги шаҳар. 2. Рангли металл. 3. Марказий Осиёдаги тиҳма тоғ. 4. Бутундан кичик рақам. 5. Танкнинг ҳимоя копламаси. 6. Гўза гули. 7. Таъм. 8. Канададаги шаҳар. 12. Дарахт. 14. Чавандозлик мусобақаси. 15. Ёзув қатори. 16. Тўпли спорт ўйини. 17. Ҳарбийларнинг бирин-кетин тизилган сафи. 20. Жанубий Америкадаги тоғлик. 21. Зиё, ёруглик. 22. Ҳўл мева. 23. Кавказлик цирк санъаткори, кўзбойлагич. 26. Ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчи мутахассис. 27. Ёпишқоқ ашё. 28. Деҳқончилик асбоби. 30. Истак. 31. Ҳашарот. 34. Хушбўй модда. 35. Кўрк, чирой. 36. Абдулла Қаҳҳор ҳикояси. 37. Сўз ўйини, қочирим. 38. Товушнинг ёзувдаги ифодаси. 40. Тикув машинаси ғалтаги.

Фозилжон ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 61-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 1. «Лолазор». 6. Битум. 7. Ҳисор. 10. Нақл. 11. Кийик. 13. Масал. 14. Денов. 17. Салор. 18. Қува. 20. «Ўтрор». 21. Жоуль. 22. Галерея.

БУЙИГА: 2. Люмен. 3. Зуҳал. 4. Лицей. 5. Кокос. 8. Эскадра. 9. Цельсий. 12. Киев. 13. Миср. 15. Нўхта. 16. Лайли. 18. Қирол. 19. Анжир.

ГАЗЕТАНИНГ 63-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 1. Ламмикор. 4. Шанбалик. 9. Нота. 10. Улуш. 11. Космодром. 14. Радон. 15. Архар. 16. Кашмири. 18. Крейсер. 19. Эчкемар. 23. Бинокор. 24. Селен. 25. Мопед. 29. Гипербола. 31. «Реал». 32. Азот. 33. Телескоп. 34. Пардевор.

БУЙИГА: 1. Лонжерон. 2. Лото. 3. Китоб. 5. Ниппон. 6. Лола. 7. Қоштарий. 8. Диорама. 12. Контейнер. 13. Ирисметов. 16. Косиб. 17. Инкор. 20. Фосфорит. 21. Қоқирим. 22. Редуктор. 26. Минск. 27. Аллюр. 28. Насл. 30. Азов.

Бош муҳаррир
полковник
И. Қ. АБДУКАРИМОВ

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д. Кунаева, 21

Газета выходит по вторникам, четвергам и субботам.

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48, социологии и рекламы — 56-54-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-82, отделы подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.

Номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 0196.